O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 6 февраль, №31 (3143) Пайшанба

Олий Мажлисда



Таълимда қонун ижроси

Қонун – инсониятнинг буюк кашфиёти. У халқ ва давлат манфаатларини ўзида акс эттиради. Қонунга садоқат – бу ўз халқига садоқат, Ватанига садоқат, демакдир. Унга итоатгўйлик замирида эса катта маданият, батартиблик ётади. Чунки қонунга кимда-ким бўйсунар экан, унинг талабларини бузмайди. Ўз йўлидан адашмайди. Кеча Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу хусусда қайта-қайта уқтирилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни Қорақалпоғистон Республикасида ижро этилиши ҳақидаги масала муҳокама этилди. Йиғилишни қўмита раиси Н.Жўраев олиб борди.

Мазкур Қонуннинг амалдаги ижросини ўрганиш шуни кўрсатдики, Қорақалпоғистонда мавжуд олий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва умумий ўрта таълим муассасаларида таълим ва тарбия самарадорлигини ошириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш борасида сезиларли ишлар бажарилган. Йиғилишда таъкидланганидек, айни пайтда республикада 763 та умумий ўрта таълим мактаби, 392 та мактабгача таълим муассасаси, 3 та олий таълим даргоҳи, 3 та академик лицей, 34 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу таълим муассасаларида қонун талаблари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунига мос дарсликлар ва методик қўлланмалар асосида фаолият юритилмоқда.

Ўқувчи-талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, спорт иншоотларини таъмирлаш ва янгидан қуриш, кутубхоналарни ўқув, бадиий адабиётлар билан таъминлаш, спорт секциялари ва турли йўналишлардаги тўгараклар сонини ошириш ва уларга ёшларни оммавий жалб этиш ва бошқа масалалар борасида ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунинг билан бир қаторда йиғилишда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасида тўлиқ бажарилишида салбий таъсир этувчи омиллар ҳам муҳокама этилди. Жумладан, умумий ўрта таълим мактабларининг атиги 57 тасида замонавий компьютер синфлари мавжуд. Мактабдан ташқари муассасаларнинг аксарият қисми мослаштирилган биноларда жойлашган. 5-11 синфларда хорижий тиллар, жисмоний тарбия, биология, тарих фанларидан, шунингдек, Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний, Амударё туманларида қорақалпоқ тили, Тахтакўпир, Мўйноқ, Қораўзак, Бўзатов, Чимбой, Кегейли, Шуманай туманларида ўзбек тили фанларидан мутахассислар етишмайди. 2-11 синф ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш 68,1 фоизни ташкил этади, холос.

Қорақалпоғистон Республикасида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш, Нукус давлат педагогика институтида фанларни ўқитишнинг янги педагогик технологиялар бўйича қорақалпоқ тилида янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва уларни нашр қилиш ишларини тезлаштириш давр талабидир.

Қўмитада мазкур масала муҳокамаси жараёнида мутасадди вазирлик ва идоралар ходимларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Йиғилишда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, мутасадди вазирликларга тавсиялар берилди.

Ф.САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ҳам харидоргир, ҳам қулай

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон-Швейцария «Вита-Полимер» қўшма корхонасининг фаолият кўрсата бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Бу ерда бир марталик ишлатиладиган идишлар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлар иссиқликка чидамли бўлиб, уларга барча таомларни солиб, фойдаланиш мумкин. Айни пайтда корхонада замонавий ва жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган 11 турдаги тарелка, стакан, пичоқ, вилка, катта ва кичик қошиқлар ҳамда бошқа идишлар тайёрланмоқда. Ўтган йили 160 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг бир қисми Россия давлатига экспорт қилинди. Жамоа идишларига республикамизда ҳам талаб кун сайин ошиб бормоқда.



СУРАТЛАРДА: қўшма корхона бош инженери Анатолий Ким ва оператор Шермуҳаммад Бекпўлатов иш устида; сараловчи Комила Усмонова; тайёр маҳсулотлар.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Маърифат соати

Навоий сабоқлари

Алишер Навоий ўзбек халқининг улуғ шоири... Сўнгги 60- 65 йил ичида матбуотимизда, китобларда, турли-туман тантанали ва тантанасиз мажлисларда, ўқув аудиторияларида, радио ва телевидениеда халқаро симпозиумлар ва семинарларда бу ибора неча марта тилга олиндийкин? Менимча, буни ҳозирги замоннинг энг янги, энг мукаммал компьютери ҳам ҳисоблаб беролмаса керак. Ҳар ҳолда, бугунги кунда истаган ўзбекни уйқусидан уйғотиб, "Алишер Навоий ким?" деб сўрасангиз, у кўзини очиб улгурмай, "Улуғ ўзбек шоири" деб жавоб беради. Чиндан ҳам бу ҳақиқатни одамларга сингдириш борасида сўнгги ярим аср мобайнида жуда катта ишлар қилинди. Навоий асарлари, неча марталаб нашр этилди, бошқа тилларга ағдарилди, юзлаб ва балки минглаб илмий тадқиқотлар амалга оширилди, мактабларда, олий ўқув юртларида ўқитиладиган бўлди. Унинг номига кўчалар, туманлар, шаҳарлар, театрлар қўйилди, унинг тўғрисида саҳна асарлари, кинофильмлар, бадиий асарлар яратилди, муаззам ҳайкаллари мағрур қад кўтарди, телеэкранларда ҳар куни бўлмаса-да, бот-бот унинг ғазаллари ўқиладиган, достонлари асосида яратилган телефильмлар ёхуд спектакллар кўрсатилади... 20-йилларнинг ўрталарида бошқа бир буюк шоиримиз Чўлпон Алишер Навоий ҳақида кичик бир мақола ёзиб, унинг номини адабийлаштириш бобида қилиниши керак бўлган ишларни санаб кўрсатган эди. Унинг айтганлари ўн марта ортиғи билан адо этилди. Хуллас, Алишер Навоий ҳар бир ўзбекнинг — ёшдир-қаридир, эркакдир-аёлдир, олимдир ёхуд оддий меҳнаткаш инсондир, барибир, том маънодаги ифтихорига айланди, бундан беш ярим аср муқаддам яшаб ўтган бу даҳо шоирнинг номи нафақат тафаккуримиздан муносиб ўрин эгаллади, балки томирларимизда гупириб оқаётган қонларимизга ҳам сингиб кетди. Ўзбекнинг миллий маънавиятини Алишер Навоийсиз, унинг асарларисиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Буларнинг бари жуда яхши, албатта.

Лекин... Алишер Навоий ўзбекнинг жаҳон цивилизациясига қўшган энг буюк ҳиссаси. Мен қатъий ишонаманки, у жаҳон адабиётининг чўққилари ичида биринчи ўнликка киради. Шундоқ экан, у ўзбекни оламга танитувчи ижодкорлардан бири. Лекин бугунги жаҳон уни биладими? Бугун унинг асарлари ривожланган мамлакатларнинг ҳаммасида етарли тарқалганми? Ўзини маданиятли ҳисоблайдиган одамларнинг ҳаммаси ҳам ҳазрат Навоий қошида таъзим бажо келтиряптими? Ҳа, албатта, хориждаги ўнлаб мамлакатларнинг адабиётшунослари Алишер Навоий номини яхши билишади, унинг асарларини кўпдан бери ўрганиб келишади. Лекин мен кенг кўламдаги маданият арбобларини айтяпман. Биз Навоийни ҳар қанча мақтамайлик, ҳар қанча бошимизга кўтармайлик, унинг номи Данте, Гёте ёхуд Умар Хайёмлар даражасида машҳур эмас. Нобель мукофотининг соҳиби, атоқли немис адиби Герман Гессе бугунги дунёдаги энг кўп ўқиган одамлардан биридир. Унинг "Жаҳон адабиёти кутубхонаси" деган ажойиб мақоласи бор. Адиб унда ўзи жаҳон адабиёти кутубхонасини ташкил қилса, унга кимларни танлаб олишини ёзган ва бу танловига батафсил изоҳ берган. У ўз китобхонасига шарқдан ҳам форс ва ҳинд адабиёти намуналарини киритишни унутмаган. Лекин унинг кутубхонасидан... Алишер Навоийга ўрин топилмаган. Нега? Ахир, Навоий у танлаб олган анча-мунча шоиру адиблардан бир неча бор юқори туради-ку! Бунинг бирдан-бир сабаби менимча, шундаки, хорижда кўп мамлакатларда Алишер Навоий асарлари кўп кенг тарқалмаган, кўпгина атоқли ёзувчилар ва шоирлар унинг номини эшитган бўлса эшитгандирлар, лекин асарларини ўқиган эмаслар.

Хўш, нима қилмоқ керак? Ҳаёт шундан далолат беряптики, жаҳон ҳамжамиятида муайян ўринларни эгаллашга даъво қиладиган ҳар қандай халқ ўз маданияти дурдоналарини тарғиб қилмоқни ҳам яхши билмоғи керак. Албатта, бу — катта ҳаракатлар ва катта маблағлар талаб қилади, лекин ўзбекнинг обрў-эътибори, иззат-нафси, ғурури ҳар қанча маблағ сарфласа арзийдиган соҳалардир. Мен бир нарсани таклиф қилмоқчиман — бугун дунёнинг бир қанча етук мамлакатларида худди немисларнинг Гёте институтларига ўхшаган Алишер Навоий марказларини ташкил қилиш вақти келди. Бундай маркез, биринчи навбатда Алишер Навоий ижодини кенг кўламда тарғиб қилиш билан бирга, умуман, бугунги ўзбек адабиётининг фаол тарғибот марказларидан бири бўлиб қоларди. Навоий асарларини инглиз, француз, немис тилларида юксак таржима қилиш ва нашр этиш жаҳон халқларига ўзбекнинг, унинг маънавиятининг янги-янги қирраларини кашф этишига йўл очарди.

(Давоми 4-бетда).

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Р.Алимов Украина Президенти Л.Кучмага Ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар истиқболлари муҳокама этилди.

«Жаҳон» АА.

«MADE IN UZBEKISTAN» ТАМҒАСИ БИЛАН

Тайлоқ туманида "ТОНИ-ГРЕЕН" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Очиқ акционерлик жамияти шаклидаги мазкур корхонада асосан туманда етиштирилаётган мева-сабзавот қайта ишланиб, махсус идишларга қадоқланади. Қўшма корхонада сифатга катта эътибор қаратилади. Негаки, бу ерда тайёрланадиган маҳсулотлар "Made in Uzbekistan" тамғаси билан фақат хорижга экспорт қилинади. Унда 100 нафар киши меҳнат қилмоқда.

У.РЎЗИЕВ,
ЎзА мухбири.

Маликчўлга сув келди

Қизилтепа ва Навоий туманлари ҳудудлари бўйлаб ястаниб ётган Маликчўл асрлар давомида сувга ташна. Унинг қуйи қисмида жойлашган «Тошрабод», «Тавоис», «Маликчўл», «Ўзбекистон» ширкат хўжаликларида ҳам оқар сув танқислиги ҳар қадамда сезилиб турарди.

Навоий жанубий саноат-монтаж қурилиш корхонаси, Навоий сув қурилиш ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари 3,6 километр масофада қувур ётқизишиб, чўлга сув келтиришди. 2 минг метр канал бетонлаштирилди. Бу ишга 126 миллион сўм маблағ сарфланди. «Маликчўл» насос станцияси билан «Абу Муслим» каналини бирлаштирувчи янги иншоат қарийб 7 минг гектар ерда сув таъминотини яхшилаш имконини яратади.

А. ПИРМАТОВ.

Обод маҳалла ва экология

"Экосан" халқаро жамғармасида Обод маҳалла йилига бағишланган "Маҳалла ободлиги ижтимоий-экологик ўлчамларда" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. "Экосан маҳаллада" дастури доирасида ўтказилган тадбирда тегишли вазирлик, идора, нодавлат ва халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Маҳалла ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишда юксак салоҳиятга эга бўлган ижтимоий макондир. Шу боис "Экосан" халқаро жамғармаси атроф-муҳит мусаффолигига эришиш, табиат бойликларини муҳофазалаш, кишилар экологик маданиятини юксалтиришда мазкур бўғин имкониятларидан самарали фойдаланишга қаратилган махсус дастур ишлаб чиққан ва уни самарали амалга оширмоқда. Бу борада "Энг обод маҳалла" республика кўрик-танловини ўтказиш ташаббуси, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур танловнинг асосий мақсади ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига маҳалла аҳлини кенгроқ жалб этиш, барқарор ривожланишга эришишда Йоҳаннесбургда бўлиб ўтган жаҳон саммитида илгари сурилган ғояларни амалга ошириш, ёшларни миллий қадриятларни эъзозловчи, маънавий бой, эл-юртига фидойи инсон сифатида тарбиялашдан иборат. Бунда тўй-маъракаларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, турли миллий маросимларимизга оид анъаналаримизнинг умрбоқийлигини таъминлашга ҳам эътибор қаратилади.

Ғолибларни аниқлашда маҳалланинг ичимлик сув билан таъминланганлиги, электр энергияси, табиий газ, ер майдонларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилганлиги, канализация тармоғининг мавжудлиги, тиббий хизмат, спортни ривожлантиришга эътибор сингари жиҳатлар асосий мезон ҳисобланади.

Анжуман иштирокчилари "Экосан" халқаро жамғармасининг "Энг обод маҳалла" республика кўрик-танловини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Маҳаллалар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, барқарор тараққиётга йўналтирилган ижтимоий-экологик лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, бу жараёнга хорижий сармоясини жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофазалаш масалалари юзасидан ҳам фикрлашилди.

Анжуманда Бош вазир ўринбосари Д.Ғуломова сўзга чиқди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Кўклам эшик қоқяпти

Деҳқонни далага, боғбонни боғига етаклаган баҳорий кайфият Наманган шаҳри маҳаллалари аҳлини умумхалқ ҳашарига чорлади. Атроф ҳудудни тозалаш ва кўкаламзорлаштиришга отланган минглаб ҳашарчилар амалга оширган хайрли ишлар вилоятнинг шаҳару қишлоқларига файз киритди. Шу куни Наманган шаҳри кўчаларига 15 минг тупдан ортиқ гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқизилиб, боғларга ишлов берилди.

Қ.НАЖМИДДИНОВ.

Бўз қандолатлари бозорда

Бўзнинг тотли қандолат маҳсулотларини бугун нафақат Андижон, балки Шаҳрихон, Улуғнор туманлари ва ҳатто Наманган бозорларида ҳам учратиш мумкин. Бўзлик тадбиркор Хайрулла Худойқуловнинг хусусий қандолатчилик цехи ойига беш, олти тоннадан ширинликлар ишлаб чиқараётир. Ўндан ортиқ ёшлардан ташкил топган жамоа маҳсулот турларини кўпайтириш, шу йўл билан янги иш ўринлари яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

О.ШОДМОНАЛИЕВ.

Сўнгги хабарлар

Ногиронлар учун интернет маркази

Тошкент шаҳар ногирон аёллар ва болалар маънавият ва маърифат марказида ногиронлар учун «Интернетни ўрганиш ва ундан фойдаланиш (LATP) дастури асосида интернетдан фойдаланиш маркази очилди.

— Мен ногиронлар учун интернетдан фойдаланиш марказининг расмий очилишида иштирок этаётганимдан ғоят мамнунман, — деди маросимда сўзга чиққан АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Хёрбст. — Ушбу марказ ўтган йил июль ойида иш бошлаб муваффақиятли синовдан ўтди. Марказга ногирон болалар ҳам, катталар ҳам ташриф буюрмоқда. Марказнинг оммабоплиги Ўзбекистонда болалар ҳамда катталар орасида интернетга қизиқиш нақадар юқори эканлигидан далолат беради.

Элчи жаноблари Марказ раиси Зуҳра Раҳматуллаева ва Тошкент шаҳар ногирон аёллар ва болалар маънавият ва маърифат марказининг барча ходимлари ҳамда кўнгиллиларига интернет маркази очилишида кўрсатган кўмаклари учун миннатдорчилик билдириб, марказга Америка ҳақидаги китобни туҳфа қилди.

«Туркистон-пресс».

Афсус

«Арзонлигига маҳлиё бўлманг»

— дейишмоқда сохта маҳсулотлар харид қилиб, шифохонага тушган беморлар

— Ёруғ оламда инсон учун энг катта бойлик – тўрт мучасининг соғлиги, – дейди тўқсон ёшни қаршилаган Ашир ота Ёрматов. – Аммо айрим нопок тадбиркорлар қўлида тайёрланаётган сифатсиз маҳсулотлар юртимизга контрабанда йўли билан кириб келаётганлиги бизни ташвишлантирмоқда. Ахир, уларнинг сифатига ким кафолат беради?

Отахон айтганидек, ҳар бир киши ўз соғлиги ҳақида ўйлар экан, аввало, бу ўзи истеъмол қилаётган маҳсулотлар сифатига боғлиқлигини бир зум ҳам унутмаслиги лозим. Таассуфки, кейинги пайтда кўплаб фуқароларимиз айнан четдан олиб келинаётган шундай маҳсулотларни истеъмол қилиш ва ишлатиш оқибатида шифохоналарга тушмоқдалар.

— Илгари беморлар нафас олиш аллергияси хусусида кўпроқ мурожаат этган бўлсалар, ҳозирда озиқ-овқат ва парфюмерия аллергияси билан мурожаат этувчилар сони бир неча баробар ошди, – дейди Тошкент шаҳри Аллергия маркази раҳбари Мунис Муҳсинов. – Бунинг сабаби нимада? Республикамизга келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари махсус музлатгичи бор машиналарда ташилмаяпти. Баъзида эса истеъмол қилиш муддати ўтиб кетган маҳсулотлар ва дори-дармонларга кўзимиз тушади. Оқибатда яроқсиз маҳсулотлар туфайли бемор бўлганлар ҳам учраётир.

Биз шундай беморлар билан ҳам суҳбатлашдик.

Насиба МАМЕДОВА:

— Янги йил арафасида ўғлимга совға олиб бердим. Унинг ичида четда тайёрланган печенье ва шоколадлар бор эди. Ўғлим бу неъматларни истеъмол қилгандан сўнг бутун баданида қизил доначалар тошиб, иситмалаб қолди. Шифокорга мурожаат қилсак, шоколад ва печеньеларнинг сифати бузилмаслиги учун қўшиладиган консервантларнинг миқдори кўплиги таъсир этганлиги маълум бўлди.

Дилбар АТАМЕТОВА:

— Яқинда шифохонада даволаниб чиқдим. Сочимни бўяттандим, бирдан юзим қизариб, ўзимни беҳол сеза бошладим. Шифохонада маълум бўлишича, бўёқдаги кимёвий моддалар миқдори меъёрдагидан бир неча баробар юқори экан.

Ирина КОВАЛЬСКАЯ:

— Косметика жону дилим, лекин баъзида алланганлигингизни сезганингда, ундан юз ўгиргинг келади. Парфюмерия маҳсулотлари сохталикни хуш кўрмайди-да. Асл француз духиларига нима етсин! Бироқ айрим сохта тадбиркорлар француз фирмаси ёрлиғи билан шундай духиларни ишлаб чиқармоқда. Улардан бирини харид қилиб, шаҳардаги 1- шифохонанинг аллергия бўлимида даволанишга мажбур бўлдим.

Кўриб турибсизки, арзон молга учиб, ўз соғлиғини йўқотганлар бугун тавба-тазарру қилмоқдалар. Бошқаларга ҳам айтадиган гапимиз шу: арзон молга маҳлиё бўлманг!

Муфтилло ЮСУПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бўз қандолатлари бозорда

Бўзнинг тотли қандолат маҳсулотларини бугун нафақат Андижон, балки Шаҳрихон, Улуғнор туманлари ва ҳатто Наманган бозорларида ҳам учратиш мумкин. Бўзлик тадбиркор Хайрулла Худойқуловнинг хусусий қандолатчилик цехи ойига беш, олти тоннадан ширинликлар ишлаб чиқараётир. Ўндан ортиқ ёшлардан ташкил топган жамоа маҳсулот турларини кўпайтириш, шу йўл билан янги иш ўринлари яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

О.ШОДМОНАЛИЕВ.

СОВУҚДАН ЧЎЧИМАЙДИГАН БОЛАЛАР

«Халқ сўзи» назоратида

Мақолага прокуратура муносабати

Газетамизнинг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири О.Усанов ўтган йил охирроғида «касбини ўзгартириб», Қумқўрғон туманидаги 17-мактабнинг 9-синфига дарсга кирди. Тушга қадар «партадошлари» ёнида сабоқ тинглади. Шу жараёнда мактабнинг моддий-техник базаси, қутубхона фонди ночорлигига, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ва таълим-тарбия ишлари ўлда-жўлда қолиб кетганига, ёшлар билими ҳаминқадарлигига, қиш бўлишига қарамай, синфхоналар маромида ситилмаётганига гувоҳ бўлди. Сўнгра таассуротларини қоғозга тушириб, «Совуқдан чўчимайдиган болалар» сарлавҳали ташвишли мақола битди. «Халқ сўзи»нинг 2002 йил 27 декабрь сонида чоп этилган ушбу мақолага Сурхондарё вилояти прокурори Б.НУРМУҲАММЕДОВдан расмий жавоб олинди.

Жавобда таъкидланишича, вилоят прокуратураси мақола юзасидан текшириш ўтказган. Пировардида, мақолада тилга олинган далиллар тасдиқланган. Жумладан, мактаб биноси 1969 йили фойдаланишга топширилгани, деворга ўрнатилган, газ ва қаттиқ ёқилғи ёқишга мўлжалланган 31 та печдан 13 таси эскириб,

(Давоми 2-бетда).

Истеъмолчи, ҳуқуқингизни билинг

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни

14-модда.

Нуқсонли товарни алмаштириб бериш тартиби

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айни шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Саналар, воқеалар, одимлар

Сир эмаски, ўтган 2002 йил халқимиз, мамлакатимиз учун ёруғ йил бўлди. Иқтисодиёт, ижтимоий ҳаётда кўпдан-кўп ютуқларга эришилди. Айниқса, жамиятимиз бир поғона юксалгани кўзга яққол ташланди. Табиийки, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Унинг замирида, авваламбор, мамлакатимиз Президенти томонидан миллатни, жамиятни ривожланишга олиб келувчи муттасил саъй-ҳаракатлар ётибди.

Ҳаммамизга маълум, Ўзбекистон олиб борган мустақил ички ва ташқи сиёсат натижасида жаҳонда обрўйи ошганлиги, минтақадаги етакчи давлат эканлиги расман эътироф этилди. Шунинг ўзиёқ ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш ва чет эл инвестицияларини олиб киришни кенгайтиришга ҳамда бозор иқтисодиётини янада ривожлантиришга кўпроқ имкониятлар пайдо бўлганлигидан далолат беради.

ТЎҒРИ ЙЎЛ САОДАТИ

Ана шундай вазиятда мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш учун сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Бундан олдинроқ Юртбошимиз демократик жамиятнинг кейинги ривожи учун мамлакатда парламент ислоҳоти ўтказиш зарурлигини ва бунга етарли шарт-шароит етилганлигини исботлаб берганди. Шу тариқа, 2002 йил 27 январда мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш ва мамлакат Президентининг ваколат муддатини ўзгартириш бўйича умумхалқ референдуми ўтказилди. Бу сиёсий тадбир замирида Ўзбекистон тараққиётининг узоқ йиллик йўналишини белгилаб берувчи қоидалар ўз ифодасини топган.

Умуман, янги йил қандай орзу, ниятлар, эзгу ҳаракатлар билан бошланса, шундай натижаларга эришилиши табиий ҳолдир. Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон сайловчилари 27 январь куни энг яхши орзу ниятлар билан сайлов участкаларига келдилар. Сайловчилар мамлакат келажаги учун, унинг раҳбари олиб бораётган сиёсатни яна бир бор эътироф этиш учун овоз бердилар. Сайлов натижалари халқимизнинг мустақиллик ғояларига содиқ эканлигини, уни ҳар қандай шароитда асрай олишини кўрсатди. Бу — халқимиз сиёсий маданияти юксаклигидан яна бир далолатдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу жараён жаҳон жамоатчилиги томонидан диққат-эътибор билан кузатилиб, муносиб эътироф этилди. Энг муҳими, сайловчиларимиз тўғри йўл танлаганликларини мамлакатимиз сиёсий жараёнларидаги кейинги воқеалар ривожи тасдиқлади. Референдум натижалари парламент ислоҳотини ўтказиш учун шароит яратиб берди. Бунга кўра, Олий Мажлис ўзининг ўнинчи сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунларни қабул қилди. Шу ўринда, ушбу қонунлар қабул қилиниши қандай стратегик аҳамиятга эга, деган савол туғилиши табиий.

Аввало шуни айтиш керакки, парламентнинг иш хусусияти шаклан ва мазмунан ўзгаради, яъни қонун қабул қилиш жараёни профессионал фаолият асосида амалга оширилади. Бу ўз навбатида ижроия ҳокимияти устидан парламент назоратини ўрнатади. Гап шундаги, ҳозирги пайтгача қонунларни ишлаб чиқишда ижроия ҳокимиятининг фаолияти устувор эди. Энди қонунларни доимий ишлайдиган депутатлар корпуси ишлаб чиқади. Бошқача айтганда, қонунлар қабул қилишда ҳаётийликка, яъни реал ижтимоий-сиёсий қонуниятларни ўрганишга эришилади. Бу парламентнинг обрўйи тобора ошишига ва ҳокимият бўлинишининг муҳим тармоғига айланишига олиб келади. Қолаверса, парламентга сайлаш тартиби, яъни сиёсий партияларнинг ўрни ва роли кескин ўзгаради. Табиийки, бу орқали фуқароларнинг манфаатларини ҳисобга олиш имконияти пайдо бўлади, яъни сиёсий партиялар парламентни шакллантиришнинг ҳақиқий омилига айланади. Ўз-ўзидан тушунарлики, парламент ислоҳотлари орқали Қонунчилик палатаси ва Сенат ўзаро бир-бирини тўлдиради, бир-бирини назорат қилади, бу эса ўз навбатида, қонунлар сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Икки палатали парламент мамлакатимизнинг барча ҳудудларининг манфаатларини ҳисобга олади, қонун чиқариш амалиётида учрайдиган тор доирадаги манфаатларга қарши турувчи механизм воситасини ўтайди. Референдум якунларига кўра, халқимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш ҳақида ёқлаб овоз берди. Шундан сўнг Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси "Ўзбекистон Республикасининг Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги конституциявий қонунни қабул қилди. Мазкур қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддати етти йил қилиб белгиланди.

Сиёсий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, мамлакатимиздаги тарихий шарт-шароит, сиёсий иқтисодий ва ижтимоий вазият шуни тақозо этди. Гап шундаки, Ўзбекистон давлат мустақиллиги сақланиб қолинишининг ҳамда ислоҳотлар бир маромда боришини таъминлаётган, тинчлик ва барқарорлик кафолатига айланган давлат бўлиб қолаётганлигининг асосий сабаби — бу мамлакатимизда кучли ижроия ҳокимияти мавқеининг мавжудлиги билан боғлиқдир. Одатда, давлат ислоҳотларининг бўсағасида ёки ислоҳотлар жараёни билан боғлиқ даврда ҳукумат ва давлат раҳбарига узоқ муддатли кафолат даври берилади ва шу йўл билан ижроия ҳокимият мустаҳкамланади. Бу эса бошланган ислоҳотлар дастурини охиригача етказишга имконият яратади.

Авваламбор, бугунги кунда республикамиз икки палатали тизимини шакллантириш учун алоҳида зарур қонунлар, ҳуқуқий нормалар яратилганлигини профессионал фаолият олиб бориш учун сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, қолаверса, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксалганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, ҳокимият бошқарувида иштирок этувчи сиёсий партиялар, ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат ташкилотлари, ҳаракатларнинг, шунингдек, ҳокимиятга билвосита таъсир этувчи мулк эгалари ва ўрта синф шакланди. Давлат бошқаруви, унинг органларининг замонавий шакли пайдо бўлди ва ривожланмоқда. Давлат ҳокимиятини бошқаришда, давлат бошқаруви сиёсатини шакллантиришда кўмаклашувчи илмий аҳамиятга молик инфратузилма ҳам шакланди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, давлат ҳокимиятини шакллантириш учун бизда ҳеч қандай кўлланма ёки тайёр модель йўқ эди. Борлари ҳам бизнинг халқимиз руҳиятига, давлатчилик тажрибамизга, олдимизга қўйган мақсад-муддаога мос келмас эди. Шунинг учун босқичма-босқич ривожланиш принципи асосида давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти конституциявий тарзда мустаҳкамланди ва ўн бир йил давомида ҳаётга жорий этиб келинди. Ҳокимиятнинг турли тармоқларида олиб борилган ислоҳотлар адолат ва тўғри сўзлилик муҳити ҳукмрон бўлишида жамият барча қатламларини, айниқса, мутасадди ва раҳбар шахсларни жалб этишга шароитлар яратди.

Умуман олганда, 2002 йилдаги бундай ҳаракатлар мамлакатимизда ҳокимиятнинг ҳар икки тармоғини тенг, босқичма-босқич ислоҳ қилиниши, тизимли тарзда янги босқичга олиб чиқиши учун сиёсий, ҳуқуқий механизмларни яратди. Табиийки, бундай қарорлар стратегик аҳамиятга эга ва бутун миллатнинг тақдирини белгилаб беради. Шу жиҳатдан ўтган йилнинг бу сиёсий воқеалари мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ривожининг бундан буёнги ўн йилликларини белгилаб берувчи стратегик одимлардир. Мамлакатимиз раҳбарига халқ ишончининг янада ортиши ислоҳотларга янгича ёндашувни бошлаш имконини берди. Янгича ёндашув халқимиз учун анчадан буён таниш бўлган ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ эди. Бу ислоҳотлар анчадан буён бошланган эди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аввалари бир неча авлод умри етмайдиган муддатни қамраб олган ислоҳотларни амалга ошириш жараёни ҳозирги пайтда бутунлай бошқача хусусиятга эга. У, биринчи навбатда, ўзининг жўшқинлиги билан ажралиб туради. Президентимиз таъбири билан айтганда, ислоҳотлардаги умумий тезлик эмас, балки уни амалга оширишдаги суръат муҳим.

Дарҳақиқат, янгича ёндашув самараси ўлароқ, жамоатчилик танқиди ва мунозараларга кенг ўрин берила бошлади. Президентимизнинг бундай янгича ёндашуви туфайли мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида ўз ҳукуматининг фаолиятига нисбатан чуқур қизиқиш туйғулари, ижтимоий назорат унсурлари қайта жонланмоқда. Юртбошимизнинг асосий мақсади — Ўзбекистон сиёсати ва тафаккурига ўзига хос жозиба, жўшқинлик бахш этиш, жамиятни янада ривожлантириш, ижтимоий адолат, адолатли ҳокимият, иқтисодиёт соҳасида янада фаолроқ тартиб ўрнатиш, давлат хизматига, ислоҳотларга ишончни чуқурлаштириш ва энг муҳими, бунга одамларни, кенг жамоатчиликни, жамиятнинг энг илғор қатлами — зиёлиларни, ёзувчиларни, журналистларни жалб этишдир. Жамиятдаги дардни бошқалардан олдин қалбан ҳис этадигани, нуқсонларга, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлган ёзувчи ва журналистларнинг кескин танқиди, қолаверса, барчанинг фаоллиги мансабдор шахсларнинг тизгинини тортиб қўяди, уларни амалий чоралар кўришга мажбур қилади.

Бундай сиёсий фалсафанинг стратегик аҳамияти шундаки, биринчидан, жамият ўзини олдинга етакловчи механизмларини ишлаб чиқади. Бу ҳол жамиятнинг ҳали очилмаган барча илғор кучлари қобилиятини, тажрибасини ишга солишга олиб келади, ҳар бир кишининг қадр топишига, пировард натижада эса жамиятнинг анча илгарилашига, қадрланишига сабаб бўлади. Иккинчидан, давримизнинг деярли барча олийжаноб арбоблари, хоҳ сиёсатда, хоҳ фалсафада, илм-фан ёки адабиётда бўлсин, ислоҳотлар жараёни ҳақида баҳолиқудрат бош қотирсинлар.

Президентимиз Ислом Каримов бу масалага янгича ёндашувни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида ёрқин ифодалаб берди. Президент ўз мактубида фуқаролик жамиятининг муҳим қоидаси бўлган жамоатчилик фикри, унинг хилма-хиллиги, уни акс эттиришда оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрнини алоҳида белгилаб берди. Ундаги стратегиянинг ўзига хослиги ва халқчиллиги шундаки, бу стратегия буйруқ, фармойиш ёки қонун тарзида эълон қилинмай, кўпчиликка, айниқса журналистларга, уларнинг жамиятда тутган ўринлари, машаққатли меҳнатлари эътироф этилган мактуб орқали баён қилинади. Бу ҳам демократик қарор қабул қилишда жамоатчиликнинг фикрини инобатга олишнинг бир кўринишидир. Бошқача айтганда, табрик матни юқори даражадалиги, унинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишидир. Ўзбекистон раҳбарига, Ўзбекистон халқига тарихимизда биринчи марта бундай баҳо берилиши. Айниқса, Президентимизга Америкада билдирилган ҳурмат-эътиборни олиб кўрайлик. Бундай ҳурматдан гурурланиб кетган Юртбошимиз шундай ҳикоя қилади: "Бир қизиқарли воқеани айтиб беришим керак. Шундай бўлдики, Сенат аъзоларининг иши кўп, вақти тиғиз экан, уларнинг ўзлари алоҳида-алоҳида кириб сизлар билан сухбатлашишади, дейишди. Бу жаноб Браунбэкка ёқмади. Сиз ҳақингизда, Сенатга келганлигингиз ҳақида айтиб, Сизни таништириб қўйишим керак, деб мени юқорига олиб чиқди. Катта хона, чамаси 60-70 одам стол атрофида ўтириб овқат пайтида ҳам музокаралар олиб боришяпти. Баҳс-мунозара орасида бир пайтни топиб, жаноб Браунбэк уларга мурожаат қилиб, "Кечирасизлар, бир дақиқа вақтингизни оламан. Мана бугун бизга меҳмон бўлиб келган Ўзбекистон Президентини сизларга таништирмоқчиман", деган эди, гапи охирига етмасдан ҳаммалари ўрнидан туриб қарсак чалиб қаршилашди. Менга бир оғиз гапиришга ҳам имконият бўлмади. Яъни, шундай бир таъсирчан вазият юзага келдики, уни таърифлаш қийин. Шу ўринда 60-70 нафар нуфузли Америка арбобларининг, Ўзбекистонга офарин, дея янграган қарсакларини халқимиз ўз кўзи билан кўрса эди, деган ҳаяжонли фикр хаёлимни эгаллади. Чунки бундай дақиқалар тарихда бир ёки икки маротаба бўлади... Қандайдир маъруза бўлса, кўзга ташланадиган ишлар бўлса ёки одамнинг диққатини тортадиган сўз ёки ахборот тингланса — бу бошқа гап. Лекин, мана, Ўзбекистон Президенти келибди, дейилишининг ўзидаёқ ҳамма ўрнидан туриб кетса, мана шу ҳолатнинг ўзи кўп нарсани тасдиқлайди, кўп нарсани, хусусан, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромни ифодалайди. Ўзбек халқи, Ўзбекистонимиз, она юртимиз АҚШдек буюк давлатда мана шундай ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб, шу давлатнинг манман деган сенаторлари бизни олқишлаб қабул қилганининг ўзи, ўйлайманки, ортиқча изоҳ талаб қилмайдиган воқеа".

Шу ўринда мутахассис сифатида АҚШ сенатида ҳалигача бирон сиёсатчи, давлат раҳбари бундай ҳурматга сазовор бўлмаганлигини алоҳида қайд этишни истардим. Бу воқеаларнинг стратегик аҳамияти шундаки, бундай юксак мартабага эга бўлиш, ҳозирги замон халқаро муносабатлари қоидасидан келиб чиқадиган бўлсак, жаҳон Ўзбекистонга жиддий эътибор қаратганлигининг ёрқин далилидир. Энг муҳими, стратегик шерикликнинг вужудга келиши Марказий Осиёдаги жуғрофий-сиёсий вазиятнинг, кучлар нисбатининг ўзгаришига олиб келиши аниқ. Стратегик жиҳатдан қараганда, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашни кучайтириши, минтақавий ва халқаро хавфсизликни, Афғонистонда барқарорлик ва тинчликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

2002 йилдаги бундай муваффақиятлар, демократик ислоҳотларнинг янгича ёндашув асосида фаоллашуви жамиятимизга халақит бераётган ўзига хос муаммоларни ҳам кўрсатиб берди. Бугунги кунда лоқайдлик, бефарқлик, иккиюзламачилик, товламачилик, фирибгарлик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик, порахўрлик каби иллатлар ҳали-ҳамон учраётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Янада аянчлиси, ўрта бўғинда ўйи бошқаю сўзи бошқа, сўзи бошқаю иши бошқа раҳбару раҳбарчалар ҳалиям борлигини айтмайсизми?! Ҳа, эндиликда уларга нисбатан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур. Бунинг учун, айниқса, оммавий ахборот воситаларида эркин фикрга кенг ўрин бериш мақсадга мувофиқдир.

Бугун шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, Юртбошимиз томонидан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб берилган сиёсий ислоҳотларимизди янгича ёндашувлар нечоғли амалга ошиши маънавий баркамол, сиёсий зийрак, ҳуқуқий билимли ва маданиятли фуқароларга боғлиқ бўлади. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз англаб етишимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Сайфиддин ЖЎРАЕВ,
сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор.

Олтиариқ туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги деҳқонлари жорий йилда гектар ҳисобига 40 центнердан пахта, 60 центнердан ғалла етиштириш мўлжаллашяпти. Шу мақсадда мавжуд техника воситалари, жумладан, комбайнлар мавсумга шайлаб қўйилди. Айни пайтда далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, ерларни текислаш ишлари жадал олиб борилаяпти. Чунки мўлжалдаги ҳосил пойдеворини яратишда бу юмушларнинг ўз ўрни борлигини улар жуда яхши билишади.

СУРАТДА: бошқарув раиси Акромжон Эргашев ва механизатор Холиқберди Абдураҳмонов созловдан чиқарилган агрегатни кўздан кечиришмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Овулда янги шифохона

Томдининг олис овуллари аҳолиси ҳам замонавий тиббий хизмат қулайликларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Сўнгги икки йил ичида туманда бешта қишлоқ врачлик шифохонаси қурилиб, зарур асбоб-ускуналар ва малакали кадрлар билан таъминланди.

Яқинда тадбиркор Ғайбулла Қодиров бошлиқ қурувчилар Ж. Балиманов номли ширкат хўжалигида кунига 50 беморни қабул қилишга мўлжалланган шифо маскани қуриб битказилди. Бу ерда чўпонларнинг кундузи ётиб даволанишлари учун ҳам барча шарт-шароит яратилди.

Ўз мухбиримиз.

МАҲАЛЛАЛАР БИТИМ ТУЗДИ

Ботир Зокиров номидаги Жиззах санъат коллежи ҳамда шаҳардаги Қалия, Раваллиқ, Иттифоқ маҳаллалари ўртасида битим тузилди.

Келишувга мувофиқ коллеж жамоаси ушбу маҳаллаларда "Обод маҳалла - обод юрт" мавзуидаги дастур бўйича концерт, расмлар кўргазмаси, учрашув ва суҳбатлар уюштиради. Маҳаллалар эса коллеж биноси ва иситиш тармоқларини таъмирлашда, ободонлаштириш ишларида кўмак беради.

Бу коллеж ва маҳаллалар ўртасидаги амалий ҳамкорликнинг биринчиси эмас. Наврўз, Мустақиллик байрами тантаналарида коллеж талабалари маҳалалар аҳли билан бирга бўлади. Ўзаро манфаатли шартнома тузилиши бундай ҳамкорликни янада мустаҳкамлади.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Қўндаланг масала

Пудратчининг иш ҳақини беринг!

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ходимларга иш ҳақи тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши учун шахсан раҳбарлар жавобгар эканликлари уқтириб ўтилган. Агар товар ишлаб чиқарувчи ёзма равишда розилик билдирса, қишлоқ хўжалик маҳсулоти шартнома нархларда маош ўрнига тўланиши мумкинлиги ҳам айтилган.

Лекин ушбу қарор ва жавобгарлик масъулияти ҳақида Сайхунобод туманидаги Қодирқул Султонов номли ширкат хўжалиги раҳбарлари ё билмайди, ёки билишни исташмайди. Чунки Йўлдош Фахриддинов раис этиб сайлангандан бери бу ерда пудратчилар ойлаб, йиллаб ўз меҳнат ҳақларини олишолмаяпти. Бир мисол Холбой Нусратов умр йўлдоши билан иссиқ-совуқ демай, йил бўйи далада меҳнат қилди. Бироқ иш ҳақига хўжалик бир тийин ҳам бермади. Пудрат аъзоси раиса ва бош ҳисобчига оиласининг иқтисодий аҳволи оғир бўлиб қолганини айтгани сайин, худди атайлаб қилгандек, улар ёлғон ваъдаларнинг янги-янгиларини ўйлаб топавердилар. Охири Холбой жами иш ҳақини ҳисоблатиб кўрса, хўжалик ундан 317 минг сўм қарздор эканлиги маълум бўлди.

Аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш учун ҳукуматимиз чиқарган қарор талабларини бажармасликка хўжалик раиси Й. Фахриддинов ва бош ҳисобчи А. Бозорбоевларнинг қандай ҳаддилари сиғди экан? Ахир, ушбу қарор замирида давлатимизнинг халқ фаровонлигини яхшилашга қаратилган ижтимоий сиёсати турибди-ку?!

Ниҳоят, бепарво раҳбарларни тартибга чақириб қўйиш учун Сирдарё туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритилди. Суд қарорига кўра, раис ва бош ҳисобчидан оила пудрати аъзосига етказилган 50 минг сўм маънавий зарар ҳам қўшиб ундирилиши керак. Ушбу муаммога суд тегишли баҳо беради, деб ишонамиз.

Бироқ бундай ачинарли мисол хўжаликда ягона эмас. Натижада хўжалик аъзоларига иш ҳақларини ўз вақтида бермаганлиги, ўз мансабини суиистеъмол қилиб, иш ҳақи учун ажратилган маблағларни бошқа мақсадларга сарфлаб юборгани учун Й. Фахриддиновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 205-моддасининг «а» ва «б» бандларига биноан айб эълон қилиниб, жиноий иш қўзғатилди. Ушбу жиноят иши ўтган йилнинг сентябрь ойида Сайхунобод тумани жиноий ишлар бўйича судида кўрилиб, хўжалик раҳбарига энг кам иш ҳақининг уч юз баробари миқдорида, яъни 1029000 сўм жарима солинди ва у бир йил муддатга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Лекин бу қарор Сайхунобод тумани ҳокимлигига чивин чақ-қанчалик ҳам таъсир кўрсатмади. Энг ажабланарлиси, раис ҳамон мансаб курсисида ўтириб, ўзининг ножўя хатти-ҳаракатларини давом эттириш имкониятига эга бўлиб турибди. Ёки туман ҳокимлиги ўзгача фикрдамикан? Унда нега ушбу хўжаликда, умуман, туманда ушбу масалага ижобий нуқта қўйилмаяпти? Суднинг Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарган ҳукмига бунчалик бефарқлик билан қараб, шикоятларнинг кўпайишига йўл очиб бераётган ҳокимлик фаолиятини қандай изоҳлаш мумкин?

Биз ҳуқуқий давлат қуряпмиз. Янгиланган жамиятда қонунни барча баравар ҳурмат қилиши ва унга бўйсуниши шарт. Аммо туман ҳокимлиги охирги ҳукм чиқариш ҳуқуқини ўзида олиб қолиш учун жон куйдираётганга ўхшайди. Бўлмаса, юзлаб оилавий пудратчиларнинг иш ҳақларини ўз вақтида бермасдан, бошқа мақсадларга сарфлаб юборган раисга тегишли чора кўрмасмиди?

Бобомурод ИСОҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Мақолага прокуратура муносабати

(Давоми. Боши 1-бетда).

таъмирталаб бўлиб қолгани боис синфхоналар етарлича иситилмаётгани аниқланган. Энг ачинарлиси, ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш атиги 62,1 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич кутубхонада 21,2 фоиздан ошмаган. Унинг бадиий китоблар билан таъминланиши эса 24,6 фоизда қолиб кетган.

Билим масканида спорт, мусиқа, ёш адабиётчилар, физика, математика ва чет тили тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Бироқ уларга ўқувчиларни жалб қилиш кўнгилдагидек эмас. Ошхона спортнинг таэквандо тури билан шуғулланишга мослаштирилган бўлса-да, қулай шароитлар яратилмаган. Ечиниш ва кийиниш хоналари ташкил қилинмаган.

Мақолада кўрсатилганидек, мактабнинг 9-«Б» синф ўқувчиларига «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» фанидан Термиз Давлат университетининг физика ва математика факультетини 2000 йилда тамомлаган Абдумажид Тошпўлатов сабоқ бериб келмоқда. У дарс жараёнида кўргазмали ўқув қуролларидан фойдаланмаган. Мавзуни тўлиқ конспектлаштирмаган. Ўқувчилар мазкур фанни нечоғли ўзлаштираётганликларини, уй вазифаларини қандай бажараётганликларини мунтазам равишда текшириб бормаган.

Мактаб компьютерлар билан таъминланмаган. Ўқувчиларнинг сабоқларни ўзлаштиришлари суст даражада. Хусусан, 2001-2002 ўқув йилида давлат таълим стандартларининг ўзлаштирилиши 70 фоизни ташкил қилган. 2002-2003 ўқув йилининг ўтган даврида эса жамоа 3990 максимал балладан 2270 балл тўплаб, тумандаги 70 та мактаб орасида рейтинг бўйича 37-ўринни эгаллаган. Янги ўқув йилининг дастлабки икки чорагида ўқувчилар томонидан жами 906, жумладан, 470 соат сабабсиз дарс қолдирилган. Текшириш ўтказилган — 2003 йил 17 январь куни илмий мудир Э.Чориев, кутубхоначи С.Хуррамова, рус тили муаллимаси Д.Нажмиддинова ишга келмаган.

Сўнгги 15 йил мобайнида мактабга бирорта ҳам янги парта ажратилмаган. Борлари сифатли таъмирланмаган. Ушбу ўқув даргоҳини 4-5 йил муқаддам битирган ёшлардан 17 нафари диний экстремизм оқимига қўшилиб қолганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилган. Бундай ҳолат вояга етмаганлар ва ўқувчилар орасида учрамайди.

Текшириш натижаси бўйича Қумқўрғон тумани прокурори томонидан вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлимига қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилиб, туман ҳокимлигига ахборотнома юборилган.

Тушга кирган автобус

Навоий шаҳри таркибида Кармана тумани ташкил этилгани кўпчиликни қувонтирганди. Замонавий шаҳарга туташ қадим Кармана аҳолисига катта қулайликлар яратилади, деган умид пайдо бўлганди.

Афсуски, бугунга келиб, бу умидлар тобора саробга айланиб бораяпти. Тўғри, амалга оширилаётган ободончиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Бироқ муаммолар ҳам оз эмас. Аксинча, болалаб кетаяпти. Илгари мавжуд бўлган баъзи қулайликлар ўз-ўзидан йўқолиб бораяпти.

Биргина йўловчи ташиш соҳасидаги аҳволга назар ташлайлик. Шаҳар билан Кармана оралигида туппа-тузук қатнаб турган 1-, 2-, 6-, 12-, 14-автобусларни одамлар эндиликда тушларидагина кўришлари мумкин, холос. Ушбу йўналишдаги жамоат транспорти воситалари 3-4 йилдан бери қорасини кўрсатмайди.

«Кармана» шоҳбекатидан вилоят марказига элтувчи автобуслар нега йўқолиб қолди?». Қайси йўловчи билан суҳбатлашманг, шу саволни такрорлаши аниқ. Ҳар куни минглаб одам Карманадан шаҳар марказига қатнайди. Муайян қисми корхона, ташкилот, муассасаларда ишлайди. Ёшлар институт, коллеж, лицейларда таҳсил олишади. Зарур юмуш билан шаҳар идораларига келиб-кетувчиларнинг ҳам саноғи йўқ. Рўзғор ташвишлари кўпчиликни марказий бозорга чорлаб туради. Вилоятнинг бошқа туман-шаҳарларидан келаётган йўловчиларнинг ҳам аксарияти «Кармана» шоҳбекати орқали вилоят марказига йўл олади.

Албатта, йўлга чиққанлар манзилига етмай қолган эмас. «Тико», «Раф», «Дамас» русумли хусусий машиналар уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Бироқ нархи чақади. Бундан, айниқса, талабалар, пенсионерлар озор чекмоқда. Мисолни ўзимдан

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

келтира қолай. Икки фарзандим шаҳардаги олий ўқув юртларига қатнаб ўқийди. Ҳар куни бориш-келиш харажати минг сўмдан ошади. Бундай оилаларнинг саноғига етиш қийин.

Маълум бўлишича, «Кармана» шоҳбекатидан «Спутник» қўрғонигача бўлган 6-йўналишни Навоий автотранспорт корхонаси очиқ акциядорлик жамияти тендер савдосида ютиб олган. Демак, автобус қатновини улар йўлга қўйишлари керак. Аммо корхона раҳбари турли баҳоналарни қалаштириб ташлашдан нарига ўтолмайди.

— Автобус қатнови ўзини қопламайди, — дейди жамият раиси Нуритдин Чўлиев биз билан суҳбатда. — Шахсий таксилар кўпайиб кетди-да. Чиптани арзонроқ қилиб қўйиш у ёқда турсин, такси нархидагиси ҳам чўт бермайди...

Мужмал жавоблардан кўнглимиз тўлмай, очиқроқ фикрларни кутамиз:

— Очиғини айтсам, мавжуд транспортларнинг аксарияти ишга яроқсиз, — ниҳоят ниятини билдиради суҳбатдошим. — Борларини ҳали-вери газ ёқилғисига ўтказмаймиз, шекилли. «УзОтайўл» машиналаридан сотиб олиш ниятимиз бор. Лекин кредит масаласи жуда қийинлашиб кетди. Вилоятдаги ҳеч бир ташкилот «кафиллик хати» бермади. Ҳокимиятдан айтишмаса, буёғини билмадим...

Ана, холос! Соҳанинг масъул раҳбари шундай деб тургач, яқин орада автобусдан дарак бўлармиди? Йўл киранинг жилла арзонлашишини кутаётгайлар эти увишиб юраверар-кан-да?! Автотранспорт корхонаси нега ўз мажбуриятини бажармаяпти? Аҳолига қулайлик яратиш кимнинг зиммасида ўзи?!

Ўтган йилнинг ноябрь ойида вилоят «Дўстлик байроғи» газетасида мазкур муаммо хусусида «Қулайликни ким яратади?» сарлавҳали танқидий мақола босилди. Аммо ҳеч ким пинагини бузмади.

Республикамиздаги кўплаб шаҳарларда йўловчиларга яратилиб берилган қулайликларни кўриб, кайфиятингиз кўтарилиши, «Буни хизмат деса бўлади» дейишингиз аниқ. Ахир, яп-янги автобуслар кўзланган манзилингизга элтиб қўяди-да. Карманаликлар ҳам шундай, ҳаммабоп йўловчи ташиш транспортларида юришни хоҳлашади. Лекин истак истаклигича қолиб кетиши маълум бўлиб бормоқда.

Энди ҳақли савол туғилиши табиий: аҳолининг талаб-хоҳишлари қачон рўёбга чиқади? Карманаликларнинг ҳасратини эшитадиган мард топилармикин?

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустақиллик ва маънавият

Фалсафа илми ҳамма фанларга дахлдор.

Фалсафа ҳар бир қадамда, ҳар бир тафаккурда инсон миясида мавжуд. Одам хатти-ҳаракати, хаёли ва ўйи фалсафий мушоҳада билан чамбарчас боғланган.

Истиқлолимиз фалсафаси, аввало, ўтган замонлар фалсафасининг ижобий ютуқларига таянади. Собиқ совет даврида бизнинг фалсафамиз қадимги юнон фалсафасидан, айниқса, Аристотелдан бошланган, дейилар эди. Мустақиллигимиз бу масалага ойдинлик киритди: фалсафамиз, аслида, ҳудудимизда яратилган "Авесто"дан бошланган экан. "Авесто" эса Аристотель ёзган "Физика" ва "Метафизика" китобларидан 400 йил илгари яратилган. Бу китобларда асосий тамойил ҳисобланувчи диалектика "Авесто"да ҳам марказий ўринни эгаллаган. Унда дастлабки билиш назарияси ҳам бор.

Фалсафа

Ўрта асрларда жаҳон миқёсида асосий фалсафий таълимотлар Шарқда яратилди. Етакчи файласуфлар Ўрта осиёликлар бўлди. Булар: ал-Хоразмий ва унинг маслакдоши ал-Киндий, ал-Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Қозизода Румий, ал-Коший ва бошқалар. Улар табиат фалсафасига кўпроқ эътибор берганлар. Бу ютуқларга суяниб, Оврўпо фалсафаси уйғона бошлади, уйғониш даври фалсафаси қад кўтарди. Леонардо да Винчи, Коперник, Ньютон, Кант, Гегель каби файласуф ва табиатшунос олимлар ҳамда кейинчалик Менделеев, Планк, Нишце, Эйнштейн, Бердяев илмий-фалсафий дунёқарашларга янгиликлар қўшдилар. Уларнинг фалсафий талқинлари асосан онтология, гносеология ва эпистемологияга тегишлидир.

Умумий глобал фалсафадан ташқари, мусулмон Шарқида, ҳудудимизда яна ўзгачароқ фалсафа — Қуръон тамойилларига асосланган тасаввуф фалсафаси яратилган ва бу билан дунёқарашга илоҳий руҳ киритилди. Бу тасаввуф — фалсафий тадқиқотларимиз: яссавийийа, суҳравардийийа, кубравийийа, нақшбандийийа, шунингдек, муҳаддис ва фиқҳшунос Мотурудий, ал-Бухорий, ат-Термизий, Марғиноний ва бошқалар таълимотларидир. Биз уларнинг ҳаммасини етарли илмий даражада тўлароқ ўрганишимиз керак. Уларнинг фойдали ғояларидан, ижобий ютуқларидан оқилона фойдаланишимиз лозим.

Яна шуни айтиш жоизки, «Авесто» ва «Метафизика» китобларида баён этилган диалектика Форобийю Ибн Синолар асарларида ривожлантирилиб, ҳозирги замонгача етиб келди ва ҳануз жаҳон фалсафасида асосий тамойиллардан муҳими сифатида хизмат қилиб келмоқда. Президентимиз китобларида ҳозирги замон диалектикасининг долзарб масалалари таъкидлаб ўтилган. Диалектиканинг асосий ўзаги ҳисобланадиган зиддият қарама-қаршиликлар бирлиги экан, бу ҳақда у кишининг қуйидаги фикрлари сермазмундир: «Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсаларни ҳал қилади». «Аслида ҳаётнинг ўзи турли-туман ғоялар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат. Тараққиётнинг маъно-мазмуни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда». «Миллион-миллион одамларнинг қалбидаги эзгу интилишларини, уларнинг ҳаёт мазмунини ифода қилиш эса осон иш эмас. Бунинг учун биз диалектика қонуниятини, яъни муайян бир шахс билан бутун бир халқ орзу-интилишларини уйғун ҳолда қандай акс эттириш масаласини яхши тушуниб олишимиз зарур».

Мамлакатимиздаги ҳозирги замон фалсафий тадқиқотлар, китоблару мақолалар, ўқитиш ишларидан умуман хабардормиз. Файласуфларимиз мустақиллигимиз талабларига жавоб бериш учун ҳаракат қилишмоқда. Шунингдек, собиқ совет республикаларида ҳам ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Масалан, Россияда эски марксча-ленинча фалсафадан воз кечишмоқда, Бердяев ва Соловьев фалсафаларига кўпроқ эътибор берилмоқда. Жаҳон фалсафасини ўрганишда Кембриж ва Оксфорд университетларида ҳозирги кунда олиб борилаётган тадқиқот ва ўқитиш тизимлари жаҳон фалсафасининг ҳолатини акс эттирмоқда, десак бўлади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, «ғоя» (лотинча «идея») ва «мафкура» (лотинча — «идеология») тушунчаларини бир-биридан ажратиб олмоқ керак. Шу муносабат билан бу сўзларни ҳам ўзбекча, ҳам лотинча ишлатишимиз лозим деб топдик. Ғоя, аввало, фикрдир. Фикр атрофимиздаги нарсалар, ҳодисалар ва воқеаларнинг одам миясига сўзлар ва жумлалар шаклидаги инъикоси экан, ҳар бир фикр ғоя бўлавермайди. Фақат келгусида ечимини топадиган муҳим фикргина ғоядир. Одамларнинг фикрлаши ҳар хил бўлганидан, ғоялар ҳам турлича бўлиб, улар тўғри ёки нотўғри, ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ғоялар шахсий ёки жамоат, ҳудудий ёки жаҳон миқёсида мавжуд бўлади. Масалан, илмий, техникавий, бадиий ва маданий ғоялар, иқтисодий ҳамкорлик ва қуролсизлантириш ғоялари жаҳон даражасига кўтарилиши мумкин. Шунингдек, буюк олимларимиз ғоялари жаҳон миқёсига кўтарилган ва тарқалган.

Ғоя бир мамлакатнинг ўзига тааллуқли бўлса, уни миллий ғоя дейиш мумкин. Мамлакатимиз доирасидаги иқтисодий, маданий, тарихий, илмий-техникавий, ички-ташқи сиёсат ғоялари Ўзбекистоннинг миллий ғояларидир. Бу соҳаларнинг жаҳон даражасига, стандартига кўтариб, халқаро муносабатларда ишлатилиши ҳам, албатта, миллий ғояларимизнинг юксак ривожланишидан дарак беради.

Мафкура тушунчасига келсак, бир томондан, мафкуранинг ўзи бир ғоя, яъни мафкура ғоясидир. Иккинчи томондан, лотин тили этимологиясида идеология — бу ғоялар мажмуи бўлиб, идеялар ҳақидаги фан, қонун-қоидалардир. Демак, миллий мафкурамиз миллий ғояларимизнинг тўла бир тизимидир. Умуман, ҳар бир идеологиянинг ўзи маълум бир миллатга, ҳудудга, жамиятга, давлатга хизмат қилади. Ҳар қандай мафкура миллий бўлганидан, жаҳон мафкураси бўлмайди.

Идеология (мафкура) айрим жамиятники экан, шу жамиятдаги барча халқлар, миллатлар мазкур жамиятдаги асосий халқнинг миллий мафкурасини ҳурмат қилмоқлари талаб қилинади. Ўзбекистонда яшовчи миллатлар сони юздан ортиқ, уларнинг ҳаммаси учун мафкура битта, у ҳам бўлса — Ўзбекистон миллий мафкурасидир. Мафкура — бу фақат ҳудуд жиҳатидан чегараланган жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, диний, ахлоқий, ички ва ташқи сиёсат, фалсафий ғояларининг шундай мажмуики, у келажакка ундовчи ижтимоий ва руҳий кучдир, жамият мақсадига элтувчи мустаҳкам механизмдир. Президентимиз айтганидек: «Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципига тарафдормиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир».

Миллий ғоямиз илмий ғояларимизни ҳам ўз ичига олади. Миллий илмий ғояларимиз жаҳон илмий ғоялари стандартига кўтарилганлиги бизни қувонтиради. Бу соҳада буюк боболаримиздан ўрганишимиз керак. Шу муносабат билан бир муаммога эътибор қаратмоқчиман. Ўрта ва олий ўқув юртлари дарсликларида аксиомалар, теоремалар, назариялар, принциплар, гипотезалар ўз кашфиётчилари исмлари билан номланади. Бу жуда яхши. Шу маънода жаҳонда «ал-Хоразмий алгоритми», «Рахматуллин тўлқини» дейилиши бизни қувонтиради. Бизнингча, ўз номи билан аталиши мумкин бўлган қадимги ва ҳозирги олимларимиз кашфиётлари жуда кўп. Бу масалани ҳал қилиш ҳам фан методологиямизнинг, миллий илмий ғоямизнинг муҳим вазифаси бўлмоғи керак.

Бизнинг тарихий, фалсафий меросимиз ниҳоятда катта, ундан фойдаланишимиз лозим. Ҳозирги замон жаҳон фалсафаси ютуқларидан баҳраманд бўлмоғимиз шарт. Бу иккала ютуқ бир-бири билан узвий боғлиқдир. Уларни кўплаб файласуфлар авлодлари яратган. Бунинг учун файласуф олимларимиз янги, замонавий фалсафамизни яратиш каби мураккаб ва масъулиятли вазифани амалга оширишда фаол ва астойдил иштирок этиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Янгиликка интилаётганлар

Изланишлар янгиликка йўл очади. Янгиликлар эса муваффақиятларга доялик қилади. Андижондаги «Тожметалл» акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари эришаётган ютуқлари бош омилини тинимсиз изланиш, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиш самараси деб билмоқдалар. Корхона буюртма устига буюртма олаётир.

«Тожметалл»чилар пахта толасини титиб берадиган пичоқли барабанлар тайёрлашни ўзлаштирдилар. Дастлабки маҳсулотлар буюртмачилар қўлига етиб борди. Айни дамда ишчиларнинг бир қисми Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмасига кўра устахоналарга ўрнатиладиган махсус металл қисқичлар тайёрлашни ҳам бошлаб юборди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.

Уч авлод мажмуаси

Деҳқонобод туманидаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалигида қад ростлаган гузар «Уч авлод мажмуаси» дея номланди.

Гузарнинг бундай номланишига сабаб, бу ерда оталар учун чойхона, ёшлар ҳордиқ маскани ва кичкинтойлар учун болалар боғи бунёд этилди. Шунингдек, дўконлар маиший хизмат нуқталари ҳам одамлар хизматида. Обод маҳалла йилида яна иккита шундай гузарни ишга тушириш режалаштириляпти.

Мавсумга шай

Марҳамат туманидаги «Машина-трактор парки» акциядорлик жамияти жамоаси зарур техникаларни экиш мавсумига шай қилиб қўйди.

Яқинда бу ерда турли русумдаги ҳайдов, шудгорлаш тракторларида ишлатиладиган юқори босимли шлангларни таъмирлаш йўлга қўйилди.

— Бу корхонамиздаги ягона янгилик эмас, — дейди АЖ раиси Маматкарим Абдукаримов. — Мутахассисларимиз «Белорус» тракторларининг тирсакли валлари, гилза ва бошқа қисмларини ҳам таъмирлашни ўрганиб олишди.

«Туркистон-пресс».

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

НЕФТЬ ЭКСПОРТИ КЎПАЙМОҚДА

Яқинда Венада ОПЕК давлатларининг анжумани бўлиб ўтган эди. Ушанда нархни пасайтириш учун жаҳон бозорига чиқарилаётган кунлик нефть миқдорини 1 миллион баррелга ошириш, бордию нарх январ ўрталаригача пасаймаса, қўшимча яна 500 минг баррель нефть қазиб чиқариш масаласи кўриб чиқилди.

Таассуфки, ўтган вақт мобайнида нефть нархи кутилганидек барқарорлашмади. Натижада ОПЕК аъзолари 1 февралдан жаҳон бозорига чиқариладиган кунлик нефть миқдорини 1,5 миллион баррельга оширди. Қатар сув захиралари, саноат ва энергетика вазири Абдулла бин Ҳамид ал-Атийя журналистларга интервью берар экан, нарх пасаймаса, ОПЕК яна қўшимча нефть қазиб чиқаришга ҳам тайёрлигини маълум қилди.

Саудия Арабистони нефть ва табиий захиралар вазири Али ибн Иброҳим ан-Нуаймий эса, жаҳон бозорига чиқарилаётган кунлик нефть миқдорини 2,5 миллион баррелга камайтириш кераклигини айтаётир. Унинг таъкидлашича, қўшимча нефть қазиб чиқаришга умуман ҳожат йўқ. Чунки, жаҳон бозорида нефть танқислиги сезилгудек бўлса, Саудия Арабистони истеъмолчилар эҳтиёжини бемалол қондира олади. Ҳатто вазият тақозо этса, мамлакат кунлик нефть қазиб чиқаришни қўшимча 2,5 миллон баррелгача ошириши ҳам мумкин.

Шарҳловчи минбари

Ҳозирги кунда Саудия подшоҳлиги кунига 7,9 миллон баррел нефть қазиб олаётир. Бу ОПЕК аъзолари орасида энг катта кўрсаткич.

Соҳа вакилларининг фикрича, Саудия Арабистони жаҳон бозорига чиқарадиган кунлик нефть миқдорини 9 миллион баррелга оширса, Венесуэладаги тартибсизликлар оқибатида АҚШда вужудга келган танқислик барҳам топиши мумкин.

ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, Венесуэладаги оммавий тартибсизликлар оқибатида тўхтаб қолган нефть компаниялари фаолиятини қайта бошлаган. Ҳозирги вақтда мамлакатда кунига 1,5 миллион баррелга нефть қазиб чиқарилаяпти.

Давлатга қарашли "Петролес де Венесуэла" компанияси раҳбари Али Родригеснинг таъкидлашича, мамлакат жанубидаги Ориноко дарёси ҳавзасида қазиш ишлари анча жадаллашган. Мамлакат январь ойида бор-йўғи 30 миллион баррел нефть қазиб чиқарган эди. Бу декабрдагига нисбатан икки баробар кўп. Бироқ, сиёсий инқироз бошлангунга қадар мамлакатда кунига 3 миллион баррелгача нефть қазиб олингани ҳисобга олинса, бу паст кўрсаткичдир.

Венесуэладаги нефть компаниялари ўз фаолиятини қайта бошлагани сабабли жаҳон бозорида нарх анча барқарорлашиши мумкин. Бироқ, Форс кўрфазида вазият кескинлашиб кетса, айрим мутахассисларнинг тахминига кўра, "қора олтин"нинг нархи 60 долларгача чиқиб кетиш эҳтимоли бор. Бу ОПЕК аъзоларини жиддий ташвишга солаётир.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Фазогирлар хотирасига бағишланди

Хьюстондаги Жонсон номли космик марказда ҳалок бўлган фазогирларнинг хотирасига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда АҚШ президенти Жорж Буш рафиқаси билан, шунингдек, Жон Глен, Нил Армстронг каби таниқли астронавтлар ва бошқа кишилар иштирок этди. «Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, шундай маросим бугун Вашингтондаги Миллий кафедрал ибодатхонада ҳам бўлиб ўтади.

Судьялар сайланмоқда

Олти нафар аёл ва бир нафар эркак янги ташкил этилаётган Жиноий ишлар бўйича халқаро суднинг судьялари этиб сайланди. Сайловда 85 давлатнинг ҳуқуқшунослари иштирок этди. Суд шу йилдан бошлаб Голландиянинг Гаага шаҳрида иш бошлайди.

«Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, янги судни ташкил этиш бўйича 1998 йилда қабул қилинган Рим шартномасини 88 та давлат ратификация қилган. Лекин фақат 85 давлат вакиллари судьяларни сайлашда иштирок этмоқда, чунки қолган мамлакатлар шартномани ўтган йилнинг 2 декабригача ратификация қилиб улгурмаган.

Янги ҳарбий операциялар

Исроил ҳарбийлари танклар ва жанговар вертолётлар ёрдамида Ғазо секторининг марказида жойлашган Аль-Мағазий қочқинлар лагерига бостириб киришди. Оқибатда ҳарбийлар томонидан вайрон қилинган уй ичида қолиб кетган 65 ёшли фаластинлик аёл ҳалок бўлди. Маълумотларга кўра, аёл ҳарбийларнинг уйларни тарк этиш ҳақидаги огоҳлантиришини эшитмаган.



Хон-Юнисда ҳам ҳарбийлар 8 нафар фаластинликни ярадор қилишган, улардан 3 нафари болалардир.

«РИА «Новости» агентлигининг хабарига кўра, Калькилияда ҳарбий операция ўтказилаётган пайтда, исроилликлар фаластинлик полициячини отиб ўлдиришган. Гувоҳларнинг айтишича, у ҳарбийлардан яширинмоқчи бўлган.

Келишиб олинди, аммо...

НАТОга кирувчи давлатлар вакиллари Шимолий альянс ҳарбийларининг Гибралтар бўғозини назорат қилиши масаласини келишиб олишди.

Ушбу қарор АҚШнинг илтимосига биноан қабул қилинди. Лекин АҚШнинг яна бир асосий илтимоси— Туркиянинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи маъқулланмади. Ушбу масала бугун Колин Пауэллнинг БМТ ХКдаги нутқидан кейин яна муҳокама қилиниши мумкин. Шу муносабат билан НАТОнинг Бош котиби Жорж Робертсон Болгарияга сафарини бекор қилди.

Футбол ўйнаган — қамалади

Гамбия президенти Яе Ямех ёшларга ёмғирлар палласида (июнь — октябрь) футбол ўйнашни тақиқлаб қўйди. Мамлакат бўйлаб сафарида президент футбол ўйнаш ўрнига одамлар давлатни озиқ-овқат билан таъминлашни ўйлашлари лозимлигини таъкидлаган. Унинг айтишича, тартиббузарлар қамалади. «Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, Яе Ямех давлат тўнтариши туфайли 1994 йилда ҳукумат тепасига келган эди.

Ресторандаги ёнғин

Ошхонадаги газ плитасини керосин билан тўлдиришдаги хатолик туфайли Хитойнинг Харбин шаҳридаги ресторанлардан бирида ёнғин чиқди. Уша пайтда ресторанда 300 нафардан зиёд киши бор эди. Олов билан қуршаб олинган бинода саросима бошланган. 33 киши тутундан бўғилиб ўлган, 16 нафар жабрланганлар шифохоналарга келтирилди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги.

Наманган вилоят хўжалик суди ўтган йил мобайнида мулкчилик шакли турлича бўлган 51 корхонани банкрот деб эълон қилди.Қонунчиликка биноан, улардан 34 таси тугатилиб, давлат рўйхатидан ўчирилди. Айрим корхона раҳбарларининг зарур иқтисодий ва ҳуқуқий билимларга эга эмаслиги, бозор иқтисодиёти қонунларига амал қилмаслиги ана шундай оқибатларга олиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги қонуни вилоятда қандай бажарилаётгани тўғрисида вилоят иқтисодий ночор корхоналар бошқармаси бошлиғи А.Султонов ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

Банкротликнинг олдини олса бўлади

— Республикамизда "Банкротлик тўғрисида"ги қонун амал қила бошлаганидан кейин вилоят иқтисодий ночор корхоналар бошқармаси мазкур ҳужжатнинг асосий мақсадига хизмат қиладиган вазифаларни — корхоналарда банкротликнинг олдини олиш, уларни молиявий соғломлаштириш ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишларни амалга оширмоқда.

Мутахассисларимиз барча саноат корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилади ҳамда ўтказилган мониторинг натижасига кўра ночор корхоналар билан ҳам, бақувват корхоналар билан ҳам иш олиб боради. Шунингдек, санация ва ташқи бошқарув пайтида фаолият кўрсатаётган субъектлар томонидан молиявий соғломлаштириш режаларининг амалга оширилишини таҳлил ва назорат қиламиз ҳамда хўжалик суди томонидан банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш жараёнида иштирок этамиз.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 1995 йилдан 2002 йилгача бўлган давр мобайнида Наманган вилоят хўжалик суди 304 корхонани банкрот деб эълон қилган, уларнинг 287 таси тугатилиб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўчирилган.

Сўнгги уч йилга назар ташлайдиган бўлсак, 2000 йилда 35 та, 2001 йилда 41 та, 2002 йилда 51 та корхонанинг банкротликка учрагани кўрамиз. Юзага келган вазиятни аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сонида банкрот корхоналар эгаллаган фоизни аниқладик. 2001 йилда вилоятда 15 минг 180 корхона фаолият юритган, улардан 0,27 фоизи банкротликка учраган. 2002 йилда фаолият юритган 17 минг 57 корхона ўртасида бу кўрсаткич 0,3 фоизни ташкил қилган. Бундан хулоса шуки, йилдан-йилга хўжалик юритувчи субъектлар сони кўпаймоқда, шу тариқа банкрот корхоналар сони ҳам ошиб бормоқда.

Бозор иқтисоди шароитида банкротлик табиий ҳол. Сабаблари эса турлича. Объектив сабаблардан бири — ўтиш даврида кузатилаётган нарх-навонинг ошиб бориши ҳамда инфляция ҳолатларидир. "Наманганконсерва", "Намангантекстил" акциядорлик жамиятлари, "Янис ЖВ", "Косонсой Текмен" қўшма корхоналари бир неча йил бурун ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хорижий валютада кредит олган. Вақт ўтиши билан АҚШ доллари қиймати анча ўсиб, бу ҳол корхоналарни доимий равишда танглик чегарасига олиб келиб қўймоқда. Улар иқтисодий ночорликдан банкротлик ва санация бўйича ҳукумат комиссиясининг қўллаб-қувватлаши туфайлигина чиқиб олиши мумкин бўлган вазият вужудга келди. Биз ҳозир шундай қиляпмиз.

Хўжаликлар баъзан корхоналар раҳбариятида бошқарув ва ташкилотчилик қобилияти етишмаслиги сабабли шундай ҳолатга тушиб қолмоқда. Раҳбарларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимлари саёзлиги, бозор талабини билмаслик, омборда ётаверса ҳам маҳсулот ишлаб чиқараверишқабилида иш тутиш, айланма маблағларнинг етишмаслиги, эскирган жиҳозларни янгилашга қобилиятсизлиги туфайли "Тошбулоқ пойафзал", "Косонсой" акциядорлик жамиятлари, Наманган туманидаги "Турк атлас" қўшма корхонаси, Наманган шаҳридаги "Инъом ЛТД", "АКС", "Мақсад", Учқўрғон туманидаги "Муҳаммад-Иброҳим", "Садоқат-95" хусусий фирмалари, Чортоқ хўжалик ҳисобидаги кўчма механизациялашган колонна ҳамда бошқа кўпгина корхоналар банкротлик ҳолатига тушиб қолган.

Наманган туманидаги "Қурувчи" жамоа корхонаси 2001 йилдаёқ бюджетга 52 миллион сўмдан ортиқ қарз бўлиб қолган эди. Корхона қонунда белгиланган олти ой ичида қарзидан қутулолмагани учун хўжалик суди уни банкрот деб эълон қилиш бўйича иш кўзғади. Хўжалик судининг 2001 йил 30 ноябрдаги ва кредиторлар йиғилишининг қарорларига кўра корхонага ташқи бошқарув усули қўлланилди. Бироқ корхонада яратилган имкониятдан етарли даражада фойдаланилмади. Аксинча, 11 ой ичида кредиторлик қарзи яна икки миллионга ортди. Ўтган йил октябрида корхона банкрот деб эълон қилинди.

Шуни қайд этиш лозимки, банкрот деб эълон қилинган корхоналарнинг қарийб 70 фоизини хусусий фирма ва кичик корхоналар ташкил этади. Бинобарин, вилоятда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга эътиборни янада кучайтириш зарур. Банкротликнинг олдини олса бўлади. Давлат ночор корхоналарга ўз аҳволини яхшилаб олиши учун имконият бермоқда. Бутун мамлакатда амалга оширилаётган санация ва ташқи бошқарув ўзининг самарадорлигини исботлади. Соғломлаштиришнинг бу усуллари Наманганда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Вилоятда 22 корхона санация ёки ташқи бошқарув шароитида ишлаган эди. Улардан 21 таси аҳволини ўнглаб олиб, иқтисодий мустақилликка эришди. "Наманганмаш", "Электротерм" акциядорлик жамиятлари сингари йирик корхоналар санация туфайли тангликдан чиқиб олди. Ҳатто улар ишлаб чиқараётган айрим маҳсулотлар хорижга экспорт қилинмоқда. Бу корхоналар санация муддати тугаганидан сўнг иқтисодий бақувват корхона сифатида фаолият юритмоқда. Бошқалар ҳам шу йўлни тутса, арзон ва сифатсиз хорижий маҳсулотларни импорт қилиш камайишига шубҳа йўқ.

Илҳом РАЗЗОҚОВ,
ЎзА мухбири.

Сен қонунни биласанми?

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш мақсадида ўтказилаётган «Сен қонунни биласанми?» кўрик-танловининг туман босқичи муваффақиятли якунланди. Тадбирда тумандаги бир неча мактаблар жамоалари ўзаро беллашдилар. Ғолиблик 303-мактабнинг «Фемида» гуруҳига насиб этди.

— Маълумки, «Фемида» юнон мифологиясида адолат маъбудаси ҳисобланади, - дейди мактабнинг маънавий ва маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Равшан Эргашев. - Бу ўқувчиларимизнинг ҳуқуқий саводхонлик бўйича дастлабки муваффақияти эмас. Улар ўтган йили ҳам ушбу танловнинг шаҳар биринчилигида ғолиблар қаторидан ўрин эгаллашган эди.

Энди фемидачилар танловнинг шаҳар босқичида туманлари шарафини ҳимоя қиладилар.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
ЎзМУ талабаси.

Мардлар қуриқлайди Ватанни

Йигит омон экан...

Ҳарбий қисмга кираверишда ота-оналар билан суҳбатлашаётган офицер эътиборимизни тортди. У навбатчиларга топширгач, зум ўтмай икки аскар етиб келди...

Ота-она ва фарзанд ўртасидаги дийдорлашув онлари нақадар ширин. Ҳарбий кийимдаги йигит барваста, чаққон, боқишлари мағрур. У ҳарбий хизматнинг шарафи, хизматдош дўстлари билан муносабати ҳақида гапиради. Фарзанд сўзларидан ота-она кўнгли тўлади, гурурланади.

— Лейтенант Камолиддин Шариповман, — дея бизга юзланади эътиборимизни тортган офицер.

Камолиддин хушмуомала, самимий йигит экан. Суҳбатимиз қовушиб кетди. Қисм дивизиони командири бўлган бу йигит асли сурхондарёлик ҳарбийлар оиласидан.

— Аскарлар билан ишлаш, уларнинг ҳақиқий Ватан ҳимоячилари бўлиб етишишларига ҳисса қўшиш доимий мақсадим, — дейди у. — Дала машқларида бўлган кезларда йигитларимизнинг маҳорати ошиб бораётганига амин бўламан, уларнинг чаққон ва дадил ҳаракатларидан завқланаман.

Самарқанд вилоятидаги бу ҳарбий қисмда ҳамма ишлар жой-жойига қўйилган. Мотоўқчилар, артеллериячилар, муҳандис-сапёрлар, танкчилар, разведкачилар — ҳамма-ҳаммаси кечаю-кундуз сергак.

— Вазифа муҳимлигини офицерлардан тортиб оддий аскарлargача дил-дилдан англайди, — дейди ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Маъмуржон Шукуров. — Аслида Ватанни қуриқлашдан, унинг сарҳадларини осойиштаглигини таъминлашдан масъулиятлироқ бурч борми? Взводларимиз, бригадаларимизни навбати билан дала машқларига жалб этяпмиз. Улар 15 кунгача чўл бағрида бўлишади. Ёзнинг жазирамаси, қишнинг қаҳратони уларнинг мустаҳкам иродасини буколмайди.

— Ана, ҳозиргина дала машғулотларидан қайтган алоҳида қидирув разведкачилар взводи, — дея саф тортиб келаётган аскарларга ишора қилади майор Шукуров. — Эртага улар ўрнига бошқа бир взвод юборилади.

— Аскарларнинг кўпчилиги хизматдан сўнг ҳам қисмда қолиш истагини билдираётгани қувончли, — давом этади қисм командири ўринбосари. — Кузги чақирувда 348 нафар аскар қабул қилдик. Заҳирага бўшатилган шунча аскарнинг 50 таси бевосита шу ернинг ўзида хизматни давом эттириш ҳоҳишида. Ҳозир улар сержантлар тайёрлаш мактабида қайта синовдан ўтишаяпти. Беш ойдан сўнг улар яна қуролли кучлар сафида хизмат қила бошлайди.

Мазкур ҳарбий қисмнинг мамлакат мудофаасидаги ўрни катта. Шу боис ҳам бу қисмга йигитларнинг интилиши кучли. Улар мард, чаққон, алп қоматли, қалблари Ватан меҳри билан тўлиб-тошган. Демак, шундай йигитлар омон экан, ҳамиша қўрғон саломат, Ватанимизнинг муқаддас сарҳадлари тинч ва осойишта бўлғай!

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоий сабоқлари



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бироқ масаланинг маблағ билан боғлиқ бўлмаган яна бир муҳим жиҳати бор. Жаҳон миқёсида ўзининг миллий маданий бойликларини тарғиб қилмоқ учун биринчи навбатда тарғиб қилмоқчи бўлган одамнинг ўзи уни беш қўлидай яхши билмоғи керак. Хўш, биз биламизми? Мақоламизнинг бошидаги даромаддардан кейин бу савол мутлақо ортиқча ва ўринсиз бўлиб кўринади. Лекин шундай бўлса-да, уни ўртага қўйишдан чўчимайман. Назаримда, бугунги талаблардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугунги адабиётшуносликда ҳам, кенг китобхонлар оммаси ўртасида ҳам ҳазрат Навоийни билиш даражаси кўнгилдагидек эмас. Мен, албатта, унинг номини билиш ва у билан фахрланишни айтаётганим йўқ. Мен биринчи навбатда буюк шоирнинг ижодини, газаллари ва достонларини, ундан қолган бой мероснинг туб моҳиятини, мазмунини билишни, билибгина қолмай, ундан кундалик ҳаётимизда кенг фойдаланишни, бошқача қилиб айтганда, ҳар бир одамнинг Навоийни ўзига бир умрлик қадрдон дўстга, меҳрибон устозга, беқиёс маслаҳатчига айлантириб олиши тўғрисида гапиряпман.

Навоийшунос дўстларим мендан хафа бўлишмасин, менинг ҳеч ким ҳаётимизнинг катта ҳизматларини мутлақо камситмоқчи эмасман. Мен фақат шуни айтмоқчиманки, бугун навоийшунослик бутунлай янги босқичга кўтарилмоғи керак. Бу тўғрида яқинда "Ўзбек адабиёти ва санъати" газетасида эҳтиросли мақола эълон қилган Абдуллажон Аъзамов ҳам жуда яхши айтипти. Биз Навоийни "улуғ" деймиз, "даҳо санъаткор" деймиз, лекин шу улуғлик, шу даҳолик айнан нимада кўринади, бадиий тафаккур бобида Навоий кашф этган бетакрор бойликлар қанақа, шеърий маҳорат бобида жаҳон поэзияси қўламида олганда у забт этган чўққиларнинг бўй-басти, шакл-шамойили қанақа деган саволларга бемалол жавоб бера олмаймиз. Шунингдек, биз бу буюк санъаткорнинг инсон ва унинг коинотдаги ўрни тўғрисидаги қарашлари, умуман, шарқ фалсафасига қўшган ҳиссаси, Форобийлар, Ибн Синолар орқали, Фариддиддин Аттор ва Жалолиддин Румийлар орқали ўзлаштирган фалсафий тизимлардан қандай илҳомланган, уларни нима билан бойиттани ҳақида тўла тасаввурга эга эмасмиз. Табиийки, ўз даврининг вакили сифатида Алишер Навоий ислом фалсафаси, буюк уламоларимизнинг асарлари билан ҳам яхши таниш бўлган ва улардан кенг фойдаланган. Лекин бу Алишер Навоийни соф мистик шоирга ёхуд мутафаккирга айлантириб қўйишга асос бермайди. Назаримда, Навоийнинг фалсафий қарашлари тўғрисида муайян мақолалар ёзилган, самарали фикрлар айтилган бўлса-да, яхлит олинганда, бу соҳа ҳали очилмаган қитъа. Бу ўринда муаммонинг яна бир муҳим жиҳати китобхонлар оммасининг Навоий асарларини ўқиши билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда қизиқ бир вазият, парадоксал бир ҳолат шаклланиб қолди — ҳазрат Навоийга эҳтиромимиз чексиз, ифтихоримиз баланду бироқ унинг ғазаллари, достонлари, ҳикматлари, рубоий ва қитъаларини, шунингдек, илмий-ахлоқий асарларини ўқишимиз анча-мунча оқсамоқда. Бу тўғрида Президентимиз Ислом Каримов ҳам Олий Мажлиснинг йиғилишларида жуда куйиниб гапирди. Навоий асарларини ўқимай туриб, ундан ифтихор қилиш ёхуд бу буюк зотдан маънавий озиқланяпман деб ўйлаш бирор тотли таомнинг ўзини тановвул қилмай, унинг ҳидидангина маст бўлиб юргандек гап. Дарҳақиқат, мактаб ўқувчилари ҳам, коллежлар ва лицейларнинг, олий ўқув юртларининг талабалари ҳам Навоий асарларини жуда кам ўқишади. Баъзан бунинг сабаби сўралса, "тили эскирган, тушуниш қийин" деб жавоб беришади. Ҳа, албатта, ҳазратнинг асарлари бундан беш ярим аср олдин яратилган, албатта, унинг айрим жиҳатлари тушунишга қийинроқ бўлиб қолган бўлса, ажаб эмас. Лекин дунёда бирон халқ ўзининг буюк классикларидан "эскирган" деган баҳона билан юз ўгирган эмас-ку, уларни таталабтирмашиб бўлса ҳам ўқишади, зарур бўлганда, масалан, руслар-нинг "Игор жангномаси"га ўхшаб, ҳозирги тилга ағдариб олишади. Ҳолбуки, Навоий бундай ағдаришга мутлақо муҳтож эмас.

Деди: Қайдин сен,
эй Мажнуни гумроҳ?
Деди: Мажнун ватандин
қайда оғоҳ?
Деди: Недир сенга
оламда пеша?
Деди: Ишқ ичра
мажнунлик ҳамиша.

Мен бу диалогни бошдан-охиригача болалигимда ёдлаган эдим, ҳамон эсимда. Қани, шу парчадаги қайси жойлар бугунги китобхонга тушунарсиз экан? Йўқ гап бу ерда Навоийнинг "эскирган"да эмас, балки ўзимизнинг ялқовлигимизда, ҳафсаланинг етишмаслигида, луғат устида ишлашга эринишимизда. Қолаверса, бир замонлар жамиятда кенг тарқаган шеъриятга бўлган ихлосимиз ва муҳаббатимизнинг бениҳоя сусайиб кетганида. Мен мадраса кўрган одамларга ҳамиша шеъриятга лоқайдлик, нафосатдан узоқлик, қалбларнинг мушфиқликка бегоналиги одамларнинг эришилган, оддий сифатларига, турмуш тарзларига айланиб қолади. Бундай сифатлар, айниқса, раҳбар ходимларга панд беради — туппа-тузук шакл-шамойилга эга бўлган, галстук таққан, шляпа кийган, савлатидан от ҳуркадиган, қўли остидаги одамларга пўписа қиладиган, уларни сўкишдан тоймайдиган, маънавияти пуч раҳбарлар, мутаассиблар пайдо бўлади. Чиндан ша ҳавас билан қараб келганман. Улар юзлаб ва балки минглаб мисра шеърларни ёд билишар ва бемалол шарҳлаб беришарди. Ҳаётдаги ҳар қандай вазиятларга мос келувчи сатрларни ёддан ўқиб, улардаги кишини лол қолдирадиган теран маъноларни айтиб беришарди. Улар жуда юксак шеърият маданиятига эга эдилар. Қани ҳозир биздаги ўша маданият? Нега бетакрор бой ва ранго-ранг мумтоз адабиётга, беқиёс шеърият бўстонига эга бўлган Ўзбекистон мактабларидан бугун шеъриятдан узоқ, унинг нафосатидан баҳра ола билмайдиган, Сўз мусиқасига, Сўз гўзаллигига, Сўз мўъжизасига лоқайд қарайдиган болалар чиқмоғи керак? Мактабни битираётган ҳар бир гуруҳда бир-иккита шеърпарраст бўлади, албатта. Лекин мен ҳозир кенг ўқувчилар оммасини назарда тутяпман, уларнинг эстетик карлигини айтяпман. Албатта, бу ёшлар улғайиб, ўрта ёшли ва улуғ ёшли одамларга айланишади, турли касб-корларда, турли мансабларда ишлашади. Ёшликда шеъриятга, нафосатга мойил бўлмаган кўнгиллар йиллар ўтиб, турмушнинг ола хуржуни елкага тушгандан кейин ўз-ўзидан ўзгариб қолади; деб умид қилиш аноийлик бўлур эди. Нафсиз очиқ инсоннинг ҳабиби, дўсти, биродари. Фақат бу сўзларни рўёбга чиқармоқ учун ҳамма ҳазрат Навоий асарларини бутун умри давомида қўлдан қўймай ўқийдиган бўлмоғи керак. Буни эса мактабдан бошлаш керак. Шу ўринда халқ таълими ва олий таълим вазирларининг қулоғига айтадиган бир шингил гапим бор — сизлар яхши биласизларки, ўқувчилар ҳам, талабалар ҳам қаттиқ талаб қилса айтганни қилади, бўлмаса, енгил-елпи йўллар билан ўқишни битириб кетиш пайидан бўлишади. Шундоқ бўлгандан кейин, уларга қаттиқ турилса-ю, ўрта таълимда ҳам, олий таълимда ҳам аттестат ёки диплом олишнинг энг зарурий шартларидан бири сифатида 500 мисрами ёхуд 1000 мисрами (қанчалиги ва қайси шеърлар эканини мутахассислар белгилаб беришади) шеърни ёд билишни талаб қилиш керак. Табиийки, биринчи навбатда, ҳазрат Навоийнинг ғазаллари ёд олинса, нур устига аъло нур бўлар эди. Менимча, бунақа "қаттиққўлликка" ҳеч ким эътироз билдирмаса керак. Чунки ёд олинган шеърлар билан қалбларга қўшимча нур киради, меҳр ортади, муҳаббат куртак ёзади.

Грузинлар Шота Руставелини жуда яхши кўришади. Айтишларича, эрга тегадиган ҳар бир қизнинг сепида, албатта, "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон" достони бўлмоғи шарт экан. Билмадим, бу одатни бизда жорий қилиш керакми-йўқми? Лекин бир нарсага ишончим комил — Алишер Навоий шаънига айтадиган мақтовларимиз ва фахрияларимиз чинакамига ҳаётийлик касб этмоғи учун ҳазратни бағримизнинг тўрига ўтказайлик, унинг асарларини кундалик ҳаётимиздаги энг ишончли суянчиғимизга, маънавият бобида чинакамига суянч тоғимизга айлантирайлик.

Озод ШАРАФИДДИНОВ.

Донолар шахмат ҳақида

Ёлқин ТЎРАҚУЛОВ, академик:

Шахмат одамларни сабр-тоқатга, ҳаётга жиддий қарашга, мияни оқилона машққа ўргатади. Ундан ҳаёт гўзаллигини тушуниш ва ҳаққониятни севиш куртаклари уйғонади. Унинг гўзал қурашлари ақлни чархлайди. Шахмат кишининг ақл-идроки, иш қобилияти, характерининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, ўйлайманки, шахматга қизиққан, ундан вақтини аямаган ўсмир-ёшлар бўш пайтини маънавиятни чалғитадиган турли нобоп ўйинлар ёки бошқа ҳаракатларга сарф қилмайди.



Маршалл — Алёхин 49 юришдан сўнг юзага келган ҳолат. Ҳозир юриш Алёхиндан. У қандай йўл тутган? Махоратингизни синаб кўринг-чи?

* * *

А. ИШЛИНСКИЙ, академик:

«Шахмат! Унинг сир-асрорларини билиш учун шунчалик куч-ғайрат сарфлашга арзийдими?» деб ёш олимлар сўраганларида, зиёли кишилар: «Арзийди!» — деганлар. — Чунки шахмат инсонга у сарфлаган кучдан кўра кўпроқ наф беради.

* * *

Ґельфед КЛАУС, немис файласуфи, профессор:

Менинг фикримча, аниқ мантиқий тафаккурни ўстиришда мантиқ дарслигидан фойдаланганда кўра, шахмат (жиддий керакли партияни назарда тутяпман) билан шуғулланган маъқулроқ. Негаки, одам таълимнинг бошқа усулларига қараганда, ўйин жараёнида тузукроқ ўрганади. Чунки шахмат санъатида кураш унсури бор.

* * *

Лазиз ҚАЮМОВ, профессор:

Шахмат ўйинида олинадиган барча қаноат ва завқ худди мусиқадай ёки завқли шеър тинглашдаги ҳолат билан тенг келади. Шахмат ўйинимиздаги хатолар эса бастакор, шоир, ёзувчи, олимларнинг хатоларини эслатади.

Поэзиядаги каби шахматда ҳам энг муҳим нарса ритм ўлчовидир. Шахматдаги барча донолар жуфт-жуфт. Шеърда буни қофия дейилади. Сиз янги юришни қанча ўйласангиз, шоир ҳам қофия тўғрисида ундан кам ўйламайди. Дарвоқе, шеърнинг жон-жойи — битта сўз. Шахматда битта юриш ўйинни ҳал қилиши мумкин. Ҳикояда кутилмаган якун, шахматда кутилмаган комбинация қадрланади. Хонасини топиб устамонлик қилиш шахматчиларгина эмас, балки адабиётчиларди ҳам бор. Цейтнотга тушмаган ёзувчи бўлмаса керак. Ҳаёт кишини доимо шоширгани-шоширган. Шахматда ҳам тез фикрлаш даркор. Шуниси қизиқки, шахмат таржима талаб қилмайди. Шахмат ҳам худди мусиқа, қушиқлар каби ҳар қанақа чегараларни беруҳсат ошиб, янги-янги дил изҳорини забт этаверади. Мен шахматни нима билан таққосламай, у инсоният ақлининг энг яхши самараси ва у энг яхши ақлларга хосдир, дейман. Шахматни ҳам ўз касбимиз, ўз фанимиз, санъатимиз, адабиётимиздек севайлик, ардоқлайлик.

Ботвинник — К. Зюй Дема бахсида оқлар бошлаб ютади.



* * *

Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:

Шахмат ўйинида буюк адолат бор. У янглиш учун бешафқат жазолайди. Инсон заковати яратган мўъжизалар ичида шахмат санъати мангу ва беподён ижодий майдондир. Мен учун шахмат, аввало, ўзини тарбиялаш манбаи. Шахматда мен шеъриятнинг, мусиқанинг, меъморлик ва рассомликнинг туғишган биродарини кўраман. Тоза ва теран фикр қила олиш, ҳар бир вазиятда тўғри баҳо бера билиш каби хислатларга бизни шахмат санъати ҳам ўргатади.

Анвар ИНОҚОВ тайёрлади.

Москвада ўзбек фильми намойиши

Москвада Россия Федерацияси Маданият вазирлиги, Кинематографчилар уюшмалари конфедерацияси ва Москва киноматографиячилар уюшмаси томонидан ташкил этилган «Маданиятлар мулоқоти» анжумани ўзбек ижодкорлари томонидан суратга олинган «Самодаги болалар» фильми премьераси билан очилди.

Россия Кинематографчилар уюшмасининг Киночилар уйида навбатдаги ўзбек фильмларининг премьерасида ҳар галгидай кўп сонли киномухлислари, жумладан, хорижий дипломатик ваколатхоналар вакиллари, Москвада фаолият олиб бораётган ҳамюртларимиз, талабалар иштирок этдилар.

Кинематографчилар уюшмалари конфедерацияси раисининг ўринбосари К. Шчербаков тадбирни очиб, кино ихлосмандларига «Самодаги болалар» фильми режиссёри З. Мусоқов ва фильмда бош ролларни ижро этган Кристина Тоирова, Музаффар Саъдуллаев ва Тимур Мусоқовларни таништирди.

Ўз навбатида фильм режиссёри З. Мусоқов, мамлакатимиз ҳукумати томонидан кино санъатини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар хусусида тўхталиб, «МДҲ давлатлари ўртасида фақатгина Ўзбекистон ва Россия кино санъати ривожига жиддий эътибор қаратмоқда», — деди.

Таъкидлаш жоизки, россиялик киномухлислар З. Мусоқов ижоди билан яқиндан таниш. У яратган илк фильмларидан бири — «Абдуллажон» комедияси Россия телеканаллари орқали бир неча бор намойиш этилган. Икки йил аввал япон кино ижодкорлари билан ҳамкорликда суратга олинган «Она» фильми Анапада ўтказилган киноанжуманда махсус мукофот билан тақдирланган.

Янги фильм ўзининг лирикаси, ҳажвга бойлиги, қаҳрамонларнинг ҳаётга қувноқ муносабатлари тасвири билан мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА. Москва.

Қўғирчоқлар оламида

Бор экан-да йўқ экан...

Турфа ранг чироқларга белангган саҳна... Майин мусиқалар остида эртак бошланаяпти. Жажжи болаларнинг нигоҳлари саҳнага қадалган. Зеро, Беғубор болаликни эртакларсиз тасаввур қилиб бўлмайди-да.

Термиз қўғирчоқ театрининг фаолият юрита бошлаганига бир йил ҳам бўлгани йўқ. Ана шу қисқа вақтда театр жамоаси Пўлат Мўминнинг «Бояқиш», Тўра Қобиловнинг «Ўрмондаги воқеа», «Ялмоғизга алла, қуёнбойга тилла» каби спектакларни болажонларга тақдим этди. Айни чоғда ҳам улар қизғин ижод билан машғул. Янги асарларни саҳналаштириш борасида катта ишлар режалаштирилган.

Асарларни саҳналаштиришда режиссёр Гулбаҳор Маҳмудова, қўғирчоқ усталари Зиннат Маҳмудова, Валентина Прядильниналарнинг хизматлари беқиёс бўлаяпти.

СУРАТЛАРДА: театр жамоаси фаолиятидан лавҳалар.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Уяли алоқа ва тезкор телефонлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолди. Мана, 10 йилдирки, Ўзбекистон аҳолиси улардан фойдаланиб келмоқда.

Мамлакатимизда бу хизматни биринчи бўлиб «Ўздунробита» қўшма корхонаси тавсия этди. Ушбу Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бугунги кунда бирйўла иккита — D-AMPS ва GSM андозаларида уяли алоқани амалга ошираётган ягона компания ҳисобланади. У абонентларга янги-янги хизмат турларини тақдим қилмоқда.

«Ўздунробита GSM» тармоғи — Бухорода



Ўтган йилнинг ёзидан бошлаб корхона ўзининг GSM андозасидаги янги тармоғини барпо этишга киришган эди. Компания мутахассислари қисқа муддатда зарур ускуналарни ўрнатдилар. Ноябрь ойида эса Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти, орадан бир ой ўтгач, Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси GSM андозасидаги уяли алоқадан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Янги йил арафасида Чирчиқ шаҳри, Чимён, Чорбоғ, Белдирсой каби машҳур дам олиш ҳудудларида ҳам ушбу қулай алоқа тури хизмати йўлга қўйилди.

Ўтган даврда «Ўздунробита»нинг GSM андозасидаги алоқа хизматидан фойдаланаётган абонентлар сони 14000 кишидан ошди. Бу бежиз эмас. Негаки, унинг сифати юқори бўлиб, тарифи ҳам нисбатан паст.

Шу йил 23 январь куни эса кўҳна Бухоро заминида «Ўздунробита»нинг GSM тармоғини очишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. «Бухоро Палас» меҳмонхонасидаги тақдимот маросимида янги андозадаги биринчи телефон қўнғироғи янгради. Бухоро шаҳри, Ғиждувон ва Вобкент туманлари аҳолиси замонавий, юқори сифатли алоқа воситаси билан таъминланди. У қисқа ва овозли хабарларни етказувчи SMS ва VMS русумли қўшимча хизмат турларига эгадир.

«Ўздунробита»нинг республикамизда фаолият кўрсатаётган тармоғи ҳам ички, ҳам барча жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб беради. Буни компаниянинг техник мутахассислари билан бирга, янги GSM тармоғини барпо этишда қатнашган хорижий мутахассислар ҳам алоҳида таъкидлашмоқда.

Қўшма корхона 2002 йилнинг декабрида ҳар йили Брюссель шаҳрида ўтказиладиган «ЕвроМаркет» доирасидаги анжуманда «ЕвроМаркет-2002» нуфузли халқаро мукофотининг соҳиби бўлди. Шунингдек, компанияга Парижда Саноатга кўмаклашиш ассоциацияси (SPI)нинг олтин медали топширилди.

«Ўздунробита» қўшма корхонаси жамоаси бундан буён янги тармоқни янада ривожлантираверади. Аниқроғи, жорий йил охиригача республикамизнинг барча вилоятида GSM янги тармоғи барпо этилади.

Мушоира этади давом

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий таваллуд топган кун ҳар йили мамлакатимизда катта мушоира, юксак маънавият байрами сифатида кенг нишонланади. Шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда навоийшунос олим С.Олимов, Навоий музейининг масъул ходими Ю.Турсунов, институт профессори Н.Аҳмедов, педагогика фанлари номзоди Р.Келдиёровлар буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг сермаҳсул ижоди ҳақида маърузалар қилдилар. Анжуманда институтда малака ошираётган шаҳар мактабларининг адабиёт ўқитувчилари ҳам қатнашдилар. Баҳс ва мунозара мушоирага айланиб кетди.

Тадбирда Тошкент шаҳар мактабларининг ўқувчилари томонидан Навоий асарларидан намуналар ўқилди, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

А. ТУРСУНМАТОВ, халқ таълими аълочиси.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

- **кафедра мудири, профессор:** жўрнавозлик маҳорати (1);
- **кафедра мудири, доцент:** якка хонандалик (1), эстрада хонандалиги (1);
- **профессор:** эстрада чолғу ижрочилиги (1), бастакорлик ва чолғулаштириш (2 та 0,5дан), мусиқа педагогикаси (1), халқ чолғулари (1), мусиқа назарияси (1), мусиқа тарихи ва танқидчилиги (1);
- **доцент:** бастакорлик ва чолғулаштириш (1+0,5), мусиқий овоз режиссёрлиги ва информатика (0,5), оркестр дирижёрлиги (1+0,5), торли чолғулар (0,5), халқ чолғулари (1);
- **катта ўқитувчи:** оркестр дирижёрлиги (0,5), эстрада чолғу ижрочилиги (3), дамли чолғулар (0,5);
- **ўқитувчи:** махсус фортепиано (1).

Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 1-уй, кадрлар бўлими.

Телефон: 144-94-51.

6778/154

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибият бошлиғи Ойбек Соатовга падари бузруквори

Асом СОАТОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» Давлат акциядорлик компанияси жамоаси Қашқадарё вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик бирлашмаси бошқарувининг раиси Яздурди Сапаровга укаси

Рўзмахмат САПАРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази жамоаси Фарида Полетаевага волидаси муҳтарамаси

ХАДИЯ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси раҳбарияти «Йўловчитранссервис» хўжалик ҳисобидаги ягона марказ директори Шуҳрат Муҳамедхановга падари бузруквори

Санжар МУҲАМЕДХАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоаси университет фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, профессор

Санжар МУҲАМЕДХАНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг қариндош ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент молия институти жамоаси академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва маркетинг хизмати бўйича проректор, профессор Фатхулла Каримовга акаси

Ҳамидулла КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001. Буюртма Г — 169. 35313 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

Ⓘ - Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев. Навбатчи — М. Ҳолматова. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6